

Маҳалла

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси



ШАНБА, 10 ДЕКАБРЬ 2022 ЙИЛ | №49 (2083)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar



ҲЕЧ БИР МАСАЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ИШЧИ ГУРУҲЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимлари ҳам жараёнларда фаол иштирок этмоқда

2-саҳифада.

ТАБИАТ ВА БИЗ

2030 ЙИЛГАЧА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТА ОЛАМИЗМИ?



ФАРҒОНА, ҚўҚОН, САМАРҚАНД, МАРҒИЛОН ВА
ҲАТТО ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЖАННАТ БОҒЛАРИ
АЛОҲИДА ҚАРОРЛАР, БЎЙРУҚЛАР БИЛАН ТАҚИР
ЧЎЛГА АЙЛАНТИРИЛГ АНИНИ БИЗНИНГ АВЛОД
ЯХШИ ЭСЛАЙДИ

14

МУЛОҲАЗА

Тўйдаги харажатлар бахтга кафолат эмас!



НЕГА ОДАМЛАР ФАРЗАНДИНИНГ ҲАЁТИНИ АРЗИМАС
НАРСАЛАР УЧУН БАРБОД ҚИЛИШАДИ? АХИР ҲАЁТНИНГ
МАЗМУНИ ҚИММАТ САРПО-СУРУҚЛАРДАН ИБОРАТ ЭМАС-КУ?
ЁШЛАРНИНГ ОИЛА ҚУРМАСДАН АЖРАЛИШИГА МАНА ШУНДАЙ
ОДДИЙ НАРСАЛАР САБАБ БЎЛА ОЛАДИМИ?

15

НУҚТАИ НАЗАР

УМРАГА БОРГАН ОДАМ МАҚТАНМАСЛИГИ КЕРАК



БИРОВ КУЛДИ, БИРОВ ТАНҚИД ҚИЛДИ, АММО
ОДАМЛАР ОРАСИДА УЛАРГА ЭРГАШАДИГАНЛАР,
УНДАН-ДА ЎЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, БОШҚА
БЕМАЪНИЛИКЛАРНИ БОШЛАМАЙДИГАНЛАР ҲАМ
ЙЎҚ, ДЕЯ ОЛМАЙМИЗ

16

ЖАРАЁН

Маҳаллаларда фаолият юритаётган «бешлик» — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори хизмат хоналари ҳолати кўздан кечирилди. Ўрганиш натижасида 2023 йилда маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

Ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БАРЧА ХУДУДЛАРДА ИШЧИ ГУРУХЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ҲАМ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Айни пайтда совуқ об-ҳаво туфайли аҳолининг моддий эҳтиёжи ортади. Шу боис ёрдамга муҳтож хонадонларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш масъуллар олдидаги бирламчи вазифадир.

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан «Меҳр ҳаракати» лойиҳаси ташкил этилиб, Шуманай туманидаги «Кетенлер», «Деҳқонобод», «Айбуйир» маҳаллаларидаги оғир аҳволда яшовчи фуқаролар ҳолидан хабар олинди. Уларга озик-овқат, ун, ўсимлик ёғи, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари берилиб, 10 тонна кўмир билан таъминланди. Фуқароларнинг яшаш шароитини ўрганиш чоғида 3 та хонадоннинг томини ёпиш учун шифер, уй ичига пол учун ёғоч кераклиги аниқланди ва бу камчиликлар бартараф этилиши учун зарур чоралар кўрилди.

— «Меҳр ҳаракати» лойиҳаси бошқа туманларда ҳам давом этади, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Сағиндик Турманов**. — Номидан англашилганидек, бу

лойиҳадан кўзланган мақсад — қиш-қировли кунларда қийналган, ёрдамга муҳтож кишиларга бегараз кўмак кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, бу орқали бошқа ташаббускорларни ҳам меҳр кўрсатишга ундашдан иборат. Уйлайманки, мақсадларимизга эришдик, лойиҳамизни қўллаб-қувватлаганлар кўп. Демак, «Меҳр ҳаракати» давом этади.

Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, Чимбой тумани Навоий вилоятига бириктирилган. Шу боис Навоий вилояти ҳокими Н.Турсунов иштирокида бир гуруҳ корхона, ташкилот раҳбарлари Чимбой туманида бўлишди. Учрашувлар вақтида бир катор ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, тумандаги Кеңес овули биноси янгидан қурилиб, фуқаролар йиғини ихтиёрига берилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган бино зарурий мебель, компьютер жиҳозлари билан таъминланган.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов раҳбарлигида Баңдихон туманида йиғилиш ўтказилиб, Ишчи гуруҳларнинг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож

қатлами, яъни «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг қай даражада ёрдам кўрсатилганини мониторинг қилиш ҳамда ёрдам олмаганларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Туман ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги йиғилиш Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан олиб борилаётган ўрганиш ишлари ва амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланди. Муҳокамада Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш тажрибаси асосида маҳаллаларда уйма-уй юриб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларни аниқлаш, «дафтарлар»га киритиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги барча имкониятларни сафарбар этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳар бир Ишчи гуруҳ аъзоларига ўзлари бириктирилган ҳудудда аҳоли муаммоларини уйма-уй юрган ҳолда ўрганиб, белгиланган вазифаларни сифатли бажарилиши бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Нишон туманидаги «Юксалиш», «Орзу бўстони», «Кўксой», «Ёшлар диёри» маҳаллаларида ўрганиш ишлари олиб борилди. Жараёнда «Опен бюджет» дастури ва маҳаллий бюджет лойиҳалари асосида қурилган ва қурилаётган маҳалла бинолари, шунингдек, ҳудудлардаги кенг қўламли қурилиш-ободонлаштириш ишларининг ҳолати ўрганилди.

— Бу каби ўрганишлар йил давомида амалга оширилди, — дейди **Нишон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Б.Сариев**. — Натижада кўплаб йиғинлар янги биноларига эга бўлган бўлса, қатор ҳудудларда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ички кўчалар асфальтланди, оғир ҳудудларга ичимлик суви тармоқлари тортилди, эски симёғочлар янгисига алмаштирилди. Бугунги ўрганишлар ҳам бу ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, кўплаб масалаларга ечим топилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган «бешлик» — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори хизмат хоналари ҳолати кўздан кечирилди. Ўрганиш

натижасида 2023 йилда маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, одамлар билан очиқ мулоқот қилиш мақсадида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев бошчилигида Оқолтин туманида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

Ўрганишлар доирасида ташкил этилган қабулда Оқолтин ва Мирзаобод тумани фуқароларининг ички йўллар таъмири, табиий ва суолтирилган газ таъминоти, тиббий хизмат, уй-жай ва моддий ёрдам масалаларига оид мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг 35 таси шу ернинг ўзида қаноатлантирилди. Ечми қўшимча вақт ва маблағ талаб этадиган 5 та мурожаат юзасидан масъулларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди. Баъзилари жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ҳал этиладиган бўлди.

Бу каби ўрганишлар барча вилоятларда давом этмоқда.

С.ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Муаммоларни халқ билан бамаслаҳат ҳал қиламиз»

Самарқанд вилоятидаги олис маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айни пайтда бу жараён Пайариқ туманининг «Навбахор» маҳалласида давом этмоқда.



Қисқа вақт ичида маҳалланинг Бешкапа, Киндикли, Туёқли, Абдурахмон ва Кўктепа қишлоқларининг уч километрдан ортиқ тупроқ кўчаларига шағал тўшалди. Электр энергияси таъминотидаги узилтишларнинг олдини олиш ва аҳолини барқарор электр билан таъминлаш мақсадида 141 дона бетон устун ўрнатиш бошланмоқда. Тўртта эски трансформатор янгисига алмаштирилмоқда. Олти қишлоқдаги аҳолига қўшимча юз дондан ортиқ маиший газ баллон тарқатилди.

Кўктепа қишлоғидаги сув иншоотини таъмирлаш ишларига киришилди. Шу пайтгача

алоқа ва интернет тармоғи муаммо бўлган навбахорликлар энди бу масалада қийналмайди. Киндикли ва Бешкапа қишлоқларига оптик толали тармоқ тортилиб, аҳоли интернетга уланмоқда. Уч кундан буён 3 800 дан ортиқ маҳалла аҳолиси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мобил гуруҳи томонидан чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтказилди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов ушбу маҳаллада бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Аҳоли билан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликларни

эшитди.

— Ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди — деди **Э.Турдимов**. — Туманнинг бошқа маҳаллаларида қандай шарт-шароит, имконият бўлса, «Навбахор»да ҳам шундай шароит яратамиз. Тўғри, муаммолар кам эмас, лекин ҳаммасини халқ билан бамаслаҳат, босқичма-босқич ҳал қиламиз. Биринчи навбатда таълим, тиббиёт муассасалари ва аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун зарур бўлган масалаларга эътибор қаратилади.

Вилоят ҳокими маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан ҳам хабар олди.

ТАНЛОВ

Турнир ёшларга нима беради? Энг аввало, кўпроқ китоб ўқиш, билим олиш, интеллектуал салоҳиятини оширишга иштиёқ беради. Жамоавий ишлаш, бирдамликда ғалаба сари интилиш туйғусини кучайтиради. Ўз маҳалласи шаъни, ғурури учун беллашар экан, туғилиб ўсган жойига нисбатан меҳр туяди, ёшлар учун ибрат бўлади.

Маҳалла ёшлари «Заковат» майдонида беллашди

БУ ТУРНИР КЎПРОҚ КИТОБ ЎҚИШ, БИЛИМ ОЛИШ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШГА ИШТИЁҚ БЕРАДИ. ЖАМОАВИЙ ИШЛАШ, БИРДАМЛИКДА ҒАЛАБА САРИ ИНТИЛИШ ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРАДИ. ЎЗ МАҲАЛЛАСИ ШАЪНИ, ҒУРУРИ УЧУН БЕЛЛАШАР ЭКАН, ТУҒИЛИБ ЎСГАН ЖОЙИГА НИСБАТАН МЕҲР ТУЯДИ, ЙИҒИНЛАРДАГИ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ БЎЛАДИ

Шу вақтгача «Заковат» деганда, тасаввуримизда фақатгина телевидение орқали намойиш этиладиган интеллектуал ўйин, унинг иштирокчилари гавдалангани бор гап. Уларга ҳавас қилганмиз, улар қаторида бўлишни истаганлар ораимизда кўпчиликини ташкил этган. Зеро, профессионал лигада иштирок этиш билимдон саналган ҳар кимнингда орзуси эди. Бугун маҳаллаларда камол топаётган йигит-қизлар ана шундай имкониятларга эга...



Гап шундаки, «Заковат» интеллектуал ўйини шу кеча кундузда мактаб ўқувчиларидан тортиб, маҳаллалар, етакчи давлат ва хусусий идоралар ходимлари ўртасида ҳам ўйналиб, кучли аудиторияни бирлаштира олган катта кучга айланиб улгурди. Бу жараёнда, айниқса, «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг ҳар йили икки мавсумда ташкил этилиши ва унинг бир қаноти — маҳаллалар ўртасидаги «Заковат» турнирининг ўтказилиши чинакам байрам тусини олди.

мавсум таҳлиллари асосида мусобақалар низомига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ёшларнинг бевосита таклифи билан «кичик олимпиада»нинг иккинчи мавсумида миллий кураш, шунингдек, ёшлар рақси, чолғу ижрочилиги танловлари ташкил этилади. Спортнинг волейбол тури бўйича мусобақада 27-30 ёшлилар иштироки олиб ташланди. Стол тенниси, стретворкоут мусобақалари жамоавий эмас, яқка тартибда ўтказиладиган бўлди.

босқичи, туман (шаҳар) босқичи, ҳудудий босқич ва финал босқичидан иборат шаклда ташкил этилди. Ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишларини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган мазкур ўйинларнинг ҳар бир босқичи мурасасиз кечди, десак муболаға бўлмайди.

Рақамларга эътибор беринг: турнирнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган қўйи босқичларида 9 370 та маҳалладан 1 миллион нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Баҳсларда интеллектуал салоҳиятли, ҳар жабҳада илмли бўлган ёшлар сараланди ва финал босқичига йўланмани қўлга киритди. Ўйиннинг финал босқичида ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 14 та ҳудуддан дастлабки учта ўринни олган жами 42 та жамоа етиб келди.

ҒОЛИБЛИК КИМГА НАСИБ ЭТДИ?

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган турнирнинг якуний босқичи 48 та саволдан иборат тўрт турда ўтказилди. Жараёнларда маҳалласи шаънини ҳимоялашга бел боғлаган йигит-қизларнинг интеллектуал ўйиндан олаётган завқлари шундоқ кўзларида акс этиб турарди. Ҳар бир жамоа саволларга

тартибли, жўяли, тезкорлик билан жавоб беришга ҳаракат қилди. Узоқ чиғириқлардан сўнг, маҳаллалар ўртасидаги «Заковат» турнирининг республика босқичи совриндорлари аниқланди.

Бу жараёнда яна бир қизик ҳолатга дуч келдик: турнир низоми асосида берилган 48 та саволдан сўнг Бухоро шаҳрининг Аҳмад Дониш ва Олмазор туманининг Беруний номли маҳаллалари жамоаларида бир хил — 34 тадан очко ҳосил бўлди. Шу боис мутлақ ғолибни аниқлаш учун уларга қўшимча саволлар берилди. Қўшимча саволларда бухоролик ёшларнинг қўли баланд келди ва турнир ғолиблиги, шу билан бирга, 100 миллион сўмни қўлга киритди.

— Ёшлигимдан телевизор орқали «Заковат» ўйинларини томоша қилар, қачондир мен ҳам билимдонлар сафига кирман, телевизор орқали бутун маҳаллам, яқинларимга салом йўллайман, деб ният

қилардим, — дейди турнир ғолиби, Аҳмад Дониш номли маҳалла билимдони Достон Ражабов. — Бугун шу тилагим бирмунча ушалди. Жамоамиз билан ҳар бир босқичда фаол иштирок этиб ғолибликни қўлга киритдик. Демак, бугун менда салом йўллаш имконияти бор, фурсатдан фойдаланиб, шу ергача етиб келишимда меҳнатлари синган ҳар бир одамга, қишлоғимга, оиламга ҳамда бўлажак заковатчиларга салом йўллайман. Ният қилинг, мақсад қилинг ва эришинг, зеро, бунинг учун юртимизда ҳар қандай шарт-шароит мавжуд.

Иккинчи ўринни эгаллаган Олмазор туманининг Беруний номли маҳалласи жамоасига 60 миллион сўм, учинчи ўрин эгаси — Ғиждувон туманининг «Сарвари» маҳалласи ёшларига 40 миллион сўм маблағ насиб этди. Танлов якунида турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар сараланиб, қимматбаҳо совғалар ва диплом билан тақдирланди.

Хўш, бу турнир ёшларга нима беради? Энг аввало, кўпроқ китоб ўқиш, билим олиш, интеллектуал салоҳиятини оширишга иштиёқ беради. Жамоавий ишлаш, бирдамликда ғалаба сари интилиш туйғусини кучайтиради. Ўз маҳалласи шаъни, ғурури учун беллашар экан, туғилиб ўсган жойига нисбатан меҳр туяди, йиғинлардаги ёшлар учун ибрат бўлади. Бўш вақти мазмунли ўтиб, турли ёт ғоялардан узоқда юради.

Санжар ИСМАТОВ.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг апрель-июнь ойларида илк маротаба «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг биринчи мавсуми ўтказилди. Беш босқичда ташкил этилган олимпиада доирасида маданият, санъат, спорт, китобхонлик, IT каби бир қатор муҳим йўналишларни ўзида қамраб олган 14 дан ортиқ танлов ва мусобақалар ташкил этилиб, унда 6 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этди. Кўплаб ёшларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур олимпиада бир йилда икки маротаба ташкил этилиши белгиланди.

«Беш ташаббус олимпиадаси»нинг иккинчи мавсумига рўйхатга олиш жараёнлари 10 август санасидан бошланди ҳамда мусобақаларга 10 сентябрдан старт берилди. Айтиш керакки, биринчи

ҚАНЧА ЁШЛАР ҚАМРАБ ОЛИНДИ?

Таъкидлаш жоизки, «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ташкил этилган «Заковат» баҳслари беш босқичда: маҳалла босқичи, сектор

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Жўқорғи Кенгес Раиси аҳоли хонадонларида бўлди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Уринбоев Нукус шаҳрининг чекка ҳудудларидаги аҳоли билан учрашиб, уларнинг талаб ва таклифларини эшитди.



«Бестебе» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилбар Сарсенбаева, Гулара Қаржаубаева, Заврехан Ешимова, Жарас Бодыманов ҳамда бошқа фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, уларга телевизор, музлатгич, озиқ-овқат маҳсулотларини улашди. Шунингдек, қўшимча совғалар топшириб, фуқа-

роларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун ёрдам бериш, яъни уй томларини ёпиш, иситиш тизимини ўрнатиш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берди. Аманбай Уринбоевнинг аҳоли турмуш тарзини ўрганиш, муаммоларини бартараф этиш бўйича ҳудудларга чиқишлари давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

Бугун мамлакатимизда инсон улуғ. Инсон қадри баланд. Исталган маҳалла, кўчага кириб кўринг, мутасаддилар, раҳбарлар, маҳалла раислари доимо одамлар билан бирга. Уларнинг муаммолари, дарди билан яшайпти. Узингиз бир ўйлаб кўринг, қайси давлатда одамларни иш билан таъминлаш масаласига биздагидек қаралади?

«Инсон – жамият – давлат» тамойили маҳалланинг шиори бўлади

Куни кеча халқимиз энг асосий байрамларимиздан бири – Бош қомусимиз қабул қилинганининг 30 йиллигини тантанали нишонлади. Дарҳақиқат, Конституция чиндан ҳам бахтимиз кафолати, турмуш тарзимиз, ҳаётимиз тартибларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат. Байрам муносабати билан Президентимиз халқимизга йўллаган табриги ҳар томонлама мазмундорлиги билан ажралиб турди. Унда биз нималарга интилаётганимиз, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун қандай ислохотларни амалга оширишимиз лозимлиги батафсил тушунтириб берилди.



«...Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда», — дея таъкидланади табрикда.

Юқоридагиларни, айниқса, биз маҳалла фаоллари жуда яхши тушунагимиз ва ҳис қиламиз. «Инсон – жамият – давлат» деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз заруриятини чуқур англаймиз. Аминманки, маҳалла фаоллари мазкур

тамойилни бош шiorга айлантириб, юрт манфаати йўлидаги фаолиятини давом эттиради. Мавжуд муаммолар, камчиликлар, босқичма-босқич ҳал қилинади. Пировардида Бош қомусимизда белгиланган тамойиллар асосида халқимиз буюк келажакка эришади.

Президентимиз қайд этганидек, кейинги пайтларда дунё миқёсида «Янги Ўзбекистон» деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига кўтарилганини жаҳон тан олмоқда. Бунга юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ислохотлар сиёсат марказига олиб

чиқилгани сабаб бўлган.

Бугун мамлакатимизда инсон улуғ. Инсон қадри баланд. Исталган маҳалла, кўчага кириб кўринг, мутасаддилар, раҳбарлар, маҳалла раислари доимо одамлар билан бирга. Уларнинг муаммолари, дарди билан яшайпти. Узингиз бир ўйлаб кўринг, қайси давлатда одамларни иш билан таъминлаш масаласига биздагидек қаралади? Биз ҳар бир ишсизни ҳисобга олиб, унга юмуш топишни маҳалла раислари, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳатто вазирликлар даражасидаги муҳим вазифага айлантира олдиқ. Шу боис меҳнат мигрантлари, ишсиз фуқаролар сони тобора камайиб бормоқда.

Буни ўзим раислик қилаётган маҳалла мисолида ҳам айтишим мумкин. 2010 йилларнинг биринчи ярмида ҳар икки хонадондан бирининг вакили меҳнат миграциясига чиқиб

кетган бўлса, ҳозирда бугун маҳалламизда мигрантлар сони 3-4 нафардан ортмайди. Уларнинг аҳволи доимий назоратимизда. Оила аъзоларидан мунтазам хабар оламиз. Кунора телефон орқали боғланиб, шароитлари билан қизиқамиз. Менимча, инсон қадри шунда ифодаланса керак. Яъни кимгадир кераклигида, ўз Ватани у ҳақда қайғуришида акс этса керак.

Ўйлайманки, юртимизда бу улуғ шiorга асосланган ислохотлар давом этаверади. Биз, маҳалла фаоллари бу жараёнда дахлдорлик ҳисси билан яшаймиз, фаолият юритамиз ва маҳалладошларимиз розилиги йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.

**Ҳакимаҳон ҲАЙИТОВА,
Данғара туманидаги Увайсий
номли маҳалла фуқаролар
ййигини раиси.**

РАИС ЁН ДАФТАРИГА! Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар берилади?

Қонунчиликда ногиронлиги бор шахсларга қатор имтиёзлар берилиши қайд этилган. Жумладан:

☑ Ногиронлиги бўлган шахслар учун ОТМда давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

☑ Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

☑ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади.

☑ Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари раъзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

☑ Ногиронлиги бўлган 18 ёшга болалар, 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

☑ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

☑ Тегишли тиббий хулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

☑ Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

☑ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.

☑ Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

☑ Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

☑ Ногиронлиги бўлган ёшларга БҲМнинг 50 бараваригача (15 млн сўмга) субсидия ажратилади.

☑ Бюджет маблағлари ҳисобида молиялаштирилган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

☑ Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭКМнинг 3 баравари (2 млн 760 минг сўм) миқдордаги маблағлари даромад солиғига тортилмайди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Эътибор ва ғамхўрликдан кўнгишлар обод

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги байрами арафасида Хўжаобод туманида 6 нафар уй-жойга муҳтож аёлга янги уй-жойлар топширилди.



Президент ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, қийин шароитларда яшаётган аёлларнинг муаммоларини бартараф этиш, уларга кўмаклашиш, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хўжаобод туманида қийин шароитларда яшаётган, уй-жойга муҳтож бир гуруҳ аёлларга янги уйлар топширилгани ҳам ана шу йўналишдаги ишлардан бири бўлди.

«Чимбулоқ» маҳалласидан бўлган Гулузро Расулованинг

ота-онаси ўтиб кетган, уй-жойи йўқ. Шу боис вояга етмаган фарзанди билан турли жойларда ишлаб, ўзи ишлаган корхонанинг қоровулхонасида яшаб келаётган эди. Президент ташаббуси билан у энди ўз уйига эга бўлди.

— Эътибор ва ғамхўрликдан бошим кўкка етди, — дейди Г.Расулова. — Мен каби ота-онасиз қолган аёлларга ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимизга, мана шундай хайрли ишларнинг бошида турган барча инсонларга мингдан-минг раҳмат айтаман.

«Узункўча» маҳалласидаги нотурар жойда яшаб келган Муҳиба Позилова ҳам янги уй

соҳибасига айланди.

— Турмуш ўртоғим вафот этган, — дейди у. — Уй-жойим йўқлигидан уч нафар фарзандим билан кўп сарсон бўлдим. Бошимдан ўтган қийинчиликларни эсласам, юрагим орқага тортади. Ноилож тақдиримга шу битилган экан. Бугун эса дунёда менидан бахтли инсон йўқ. Давлатимизнинг эътибори туфайли янги уйи бўлдим.

Эътибор ва ғамхўрликдан кўнгишлари обод бўлган янги уй-жой соҳибалари мана шундай эзгу ва хайрли ишнинг бошида турган инсонларга, Президентимизга ўз миннатдорлигини билдирди.

МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Маънавият ва маърифат жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Чунки маънавият ва маърифат жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтиради, маърифатли, билимли, зиёли инсонлар бор ерда мамлакат тараққий этади.

Ислоҳотлар ҳаётимизни, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЖАМИЯТДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРАДИ, МАЪРИФАТЛИ, БИЛИМЛИ, ЗИЁЛИ ИНСОНЛАР БОР ЕРДА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ, МИЛЛАТЛАРАРО БИРДАМЛИК ВА ТОТУВЛИК ЮЗАГА КЕЛАДИ

Маҳалла қадимдан тарбия ўчоғи, одамларни ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик асосида турмуш кечиришларини таъминловчи маскан ҳисобланган. Ҳаётини тажрибага эга кексалар, нуруний отахон-онахонлар йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб келган. Шу маънода маҳалла миллий қадриятлар, урф-одатлар улуғландиган, ўзига хос тарбия ва маънавият бешиги ҳисобланади.



Айни кунда маҳалланинг жамиятдаги, инсонлар ҳаётдаги ўрни, роли ва нуфузи янада ортиб бормоқда. Буни Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ва эришилаётган натижалар мисолида кўриш мумкин.

Хусусан, ёшлар тарбияси, маънавиятини юксалтиришда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги қўл келмоқда. Ушбу ҳамкорлик асосида ўқувчи ёшларнинг фаоллигини ошириш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Қолаверса, уларнинг турли иллатлар, диний-экстремистик оқимлар ғоялари таъсирга тушиб қолишларининг олди олинган.

Маҳалла фаоллари, мутахассислар, отинийлар, маҳалла кексалари, шунингдек, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот ишлари самараси ўлароқ, маҳаллаларда жиноятчилик, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, ёшларнинг турли иллатлар ва ёт ғоялар таъсирга берилиши сингари салбий ҳолатларнинг олди

олинмоқда.

Бу йўналишда юқорида таъкидлаганимиздек, нуруний ва кексаларимиз ёрдамига таянилмоқда. Жумладан, 2022 йил давомида вилоятда «Бир нуруний ўн ёшга масъул» лойиҳаси доирасида 1 272 нафар нурунийларга 10 005 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар бириктирилди.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 302 та маҳаллада «Аҳил оила», «Намунали оила», «Оила – маънавий қадриятлар кўрғони», «Оила маънавияти», «Бахтли оила-жамият таянчи» мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Тадбирларда 76 минг 109 нафар аҳоли, шундан 54 мингга яқин ёшлар иштирок этди. Жумладан, Дўстлик тумани «Олтин водий» маҳалласи раисининг кексалар бўйича маслаҳатчиси Барот Сайдуллаев томонидан «Аҳил оила» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида 24 нафар ёш оила вакиллари иштирок этди.

«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги дои-

расида «Ёшларимизни турли ёт ғояларга берилишини олдини олиш», «Оммавий маданият ва маънавий тарбия», «Ватанни севмоқ иймондандир» ва «Мен юртимнинг тарихини билман», «Огоҳлик - давр талаби» мавзуларида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ўтказилган тадбирларда 18 221 нафар ёшлар, таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

Ўтган давр мобайнида маҳаллаларда «Жаҳолатга қарши маърифат», «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари», «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш», «Ватанимиз тараққиёти учун барчамиз масъулмиз», «Инсон – азиз, хотираси – муқаддас», «Ислоҳотлар ҳаётимизни, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради», «Коррупция – тараққиёт душмани», «Беш муҳим ташаббус – беш имкон» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Унда 76 мингдан ортиқ аҳоли қатнашган бўлса, шундан 49 мингга яқини ёшлардир.

Эътиборлиси, ҳар бир маҳаллада бешлик ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Жумладан, ёшлар етакчилари бу

борада ташаббускор бўлмоқда. Масалан, Дўстлик тумани «А.Навоий» маҳалласи ёшлар етакчиси Шукур Маликов ташаббуси билан ўтказилган «Жаҳолатга қарши маърифат» тадбирида ёшлар ўртасида шахми-шаха, валебол, мини футбол ва бошқа спорт ўйинлари ташкилланди.

Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид «5 ташаббус» дастури доирасида ёшларни китобга қизиқишини янада ошириш мақсадида мактабларда 100 дан ортиқ китоб ярмаркалари ташкил этилди. Масалан, Зарбдор тумани «Тараққиёт» маҳалласидаги б-умумтаълим мактабида ўтган китобхонлик акциясида 100 нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди. Тадбирда маҳалладаги ҳомийлар томонидан ёш китобсевар болажонлар учун китоблар совға қилинди. Қувонарлиси, бу каби тадбирлар барча мактабларда ўтказилди. Шу билан бирга, «Ёш китобхон», «Китобхон оила», «Энг яхши иншо» танловлари, «Ўқишнинг эрта кечи бўлмайди», «Китоб менинг тақдиримда» ва «Бирга китоб ўқиймиз», «Учинчи ренессанс китоб ва маърифат билан», «Фарзандимга китоб

совға қиламан» ва «Болога китоб беринг» лойиҳалари ҳам маҳаллаларда маънавий-маърифий муҳитни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда маънавият ва маърифат жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Чунки маънавият ва маърифат жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтиради, маърифатли, билимли, зиёли инсонлар бор ерда мамлакат тараққий этади, миллатлараро бирдамлик ва тотувлик юзага келади. Шу маънода маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳимлиги билан аҳамиятлидир.

Олим НОРЖИГИТОВ, Жиззах вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Маънавий-маърифий ишлар ва жамоатчилик назоратини ташкил этишга кўмаклашиш бўйича бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Аҳоли муаммолари «хонадонбай» ўрганилмоқда

Сирдарё вилояти ҳокимлиги вакиллари Гулистон тумани «Юлдуз» маҳалласидаги аҳоли билан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликларни эшитилди.



Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалхон Маҳмудалиевга маҳалла бешлиги худудда тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, олиб борилаётган профилактик тадбирлар тўғрисида маълумот беришди. Шунингдек, амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгиланди.

Шундан сўнг маҳалладаги тикувчилик цехи ва аҳоли хонадонларидан бирида ташкил этилган иссиқхона кўздан кечирилди. Ифтихор кўчасида яшовчи Абдусаттор Қодиров 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига томорқасида 2 сотихли иссиқхона ташкил қилган. Бу ердан

йилига икки марта ҳосил олинмоқда. Биринчи экинда булғор қалампери етиштирилган бўлса, айни вақтда саримсоқ пиёз парваришланмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур иссиқхона термиз усулида қурилган бўлиб, кўшимча иситиш тизимларига эҳтиёж йўқ.

Жорий йилнинг февраль ойида худуддаги ташландиқ бино ўрнида лойиҳа қиймати 50 миллион сўм бўлган тикувчилик цехи ташкил қилинган. Айни кунда цехда 15 нафар хотин-қиз иш билан банд. Уларнинг асосий қисмини «Аёллар дафтари» рўйхатида турган хотин-қизлар ташкил қилади. Цехдаги жараёнлар билан танишиш давомида

тадбиркорнинг ўз фаолиятини кенгайтириш бўйича режалари эшитилди. Масъулларга ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда амалий ёрдам кўрсатиш топшириғи берилди. Шу билан бирга аҳоли хонадонларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотувини йўлга қўйиш учун катта йўл бўйида савдо расталари ташкил қилишга келишилди.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бошланган ишлар юқори баҳоланди ҳамда мазкур амалиётни бошқа маҳаллаларда омалаштириш мақсадида туман сектор раҳбарларига амалий семинар ўтказиш вазифаси топширилди.

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофотсиз ўтказиш мақсадида 1 декабрдан бошлаб, Андижон вилоятида маҳалла раислари томонидан ҳар куни 10 тадан хонадонга кириб, муаммолари ўрганилмоқда. Ушбу маълумотларни туманлар ҳокимлигига ва сектор раҳбарларига етказиш тизими йўлга қўйилди.

Ўрганишлар бесамар кетмаяпти

МАҲАЛЛА КЕНГАШИДА ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА ҲАР ОЙДА АХБОРОТИНИ ЭШИТИШ ҲАМДА МУАММОЛАРНИНГ БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш жараёнида уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаб, ечими юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилашда бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш тизими ўзининг самарали натижаларини берапти. Шу маънода айтиш мумкин, айни вақтда юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётган ўзгаришлар моҳиятида «маҳаллабай» сўзининг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда.



Дарҳақиқат, жойлардаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини биргина маҳалла тизими ходимлари томонидан бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳим. Жойларда олиб борилаётган «маҳаллабай» ишлаш тизимининг муҳим асоси ана шу тамойил — барча соҳа вакилларининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашиши тушунлади. Бу жараёнда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳлар ҳам тизимли иш олиб бормоқда.

Андижон вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан «маҳаллабай», «хонадонбай», «фуқаробай» ишлаш бўйича ўзига хос натижаларга эришилмоқда. Вилоятда хатлов натижасига кўра, 3 201 912 нафар аҳоли рўйхатга олинган бўлса, шундан 1 03 414 нафари ишсиз экани аниқланди. 266 909 нафар фуқаро норасмий иш фаолияти билан шуғулланса, 148 624 нафари мавсумий иш билан банд.

Эътиборлиси, ўтган муддат

ида 46 920 нафар фуқаро бандлиги таъминланди, уларнинг 26 216 нафари аёллардир. Шунингдек, 7 218 нафар кам таъминланган, 4 699 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, 2 176 нафар меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган, 3 652 нафар ёлғиз ва кўп болали аёллар, 251 нафар жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахслардир. 28 924 нафар бошқа тоифадаги ҳамюртларимиз ҳам бугун ўзининг муқим иш жойига эга бўлиб, оиласига даромад келтирмоқда. Қолаверса, шу давр мобайнида 6 890 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган бўлса, 48 058 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бугунги кунда 2 437 нафар фуқаро ишсизлик нафақасини олмақда.

2022 йилнинг ўтган даврида «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, тадбиркорлик қилиш истаги бўлган 1 988 нафар фуқарога 11 млрд. 265,6 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилди. Биргина Андижон шаҳар аҳолисини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 153 нафар фуқарога 1 млрд. 23,4 млн. сўмлик субсидия маблағлари ажратилган бўлиб, шундан 29 нафар ёшларга 249,4

млн. сўм (7 нафари ўғил, 22 нафари қиз) субсидия берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофотсиз ўтказиш мақсадида 1 декабрдан бошлаб, Андижон вилоятида маҳалла раислари томонидан ҳар куни 10 тадан хонадонга кириб, муаммолари ўрганилмоқда. Ушбу маълумотларни туманлар ҳокимлигига ва сектор раҳбарларига етказиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозиргача маҳалла раислари томонидан 28 169 та хонадон ўрганилган бўлса, шундан 6 943 таси «Темир дафтар»га киритилган оилалар, 6 920 нафари «Аёллар дафтари»га ва 6 955 нафарини «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар ташкил этади.

Маҳаллалар ҳудудида жойлашган, ижтимоий объектлар, хусусан, тунда одамлар бўладиган 166 та ташкилот ва корхонанинг дудбуронлари ва шамоллатиш каналлари, шунингдек, газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланишда техника, ёнғин ва электр хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича кунлик мониторинг юритилмоқда.

Ўрганишлар натижасида аниқланган электр таъминоти бўйича 728 та, суолтирилган

газ таъминоти бўйича 749 та, кўмир таъминоти бўйича 1 870 та, озиқ-овқат таъминоти бўйича 1 171 та, кийим-кечак таъминоти бўйича 276 та, дори воситалари таъминоти 384 та, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузилиш ҳолатлари бўйича 105 та муаммолар юзасидан туман (шаҳар) ҳокимлигига 528 та, сектор раҳбарларига 1 598 та, мутасадди ташкилот раҳбарларига 1 366 та ахборот киритилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида аниқланган муаммоларнинг 3 598 таси бартараф этилди.

Маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида ҳар ҳафта муҳокамалар ўтказиш йўлга қўйилиб, аҳолининг мурожаатларини қабул қилиш ва уларнинг тезкор кўриб чиқиш мақсадида Андижон вилояти бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) бўлимларида навбатчилик ташкил этилди. Бугунги кунда бошқарма ва туман бўлимларида аҳолидан келиб тушадиган мурожаатларни зудлик билан ўрганиш ва зарурий чора-тадбирларни белгилаш тизими йўлга қўйилган.

Жумладан, ўтган давр мобайнида аҳоли томонидан келиб

тушган мурожаатларнинг 722 таси жойида, ижобий ҳал этилган бўлса, 146 таси тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга йўналтирилиб, ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Шунингдек, маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойда ахборотини эшитиш ҳамда муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида 17 та маҳаллада туман (шаҳар) ҳокими, 59 та сектор раҳбарлари ва 143 та маҳаллада давлат органи ва мутасадди ташкилот раҳбарларининг ахбороти ва ҳисоботи тингланди, 82 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича сайёр қабуллар ўтказилди. 215 та муаммоли масалаларни бартараф этилиши устидан маҳалла раислари, жамоатчилик тузилмалари ва Комиссиялари томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Лутфулло МАҲМУДОВ,
Андижон вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Муаммолар тезкорлик билан бартараф этиляпти

Шароф Рашидов тумани маҳаллаларида маҳаллабай, хонадонбай ишлаш натижасида муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Масалан, ишсизликни тугатиш йўлида иссиқхоналар барпо этиш бўйича ўзига хос тажриба яратилган, десак хато бўлмайди.



Шу кунларда бу йўналишдаги ишлар билан танишиш мақсадида Ишчи гуруҳ раҳбари Рустам Маматқулов, вилоят ҳокими биринчи ўринбосари Абдували Мустанов ва туман ҳокими Маҳмуд Холбутаяевлар «Пастки сўлоқли» ва «Қаҳрамон» маҳаллаларида ташкил қилинган иссиқхоналарда бўлишди. У ерда маҳаллаларда аҳоли даромадини янада ошириш учун янги Агрегатор тизимини жорий

қилиш юзасидан қилинаётган ишлар билан танишилди.

Шунингдек, туманда «Обод қишлоқ» дастури бўйича маҳаллалар танлаб олиниб, йўл, ичимлик суви, электр тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари янги қиёфа касб этаётган бўлса-да, туманнинг қолган маҳаллаларида тупроқ кўчалар шағаллаштирилмоқда. Айни дамда «Қулписар» маҳалласида асфальт қопламаси ётқизилмоқда.

Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш борасида хайрли ишлар давом этмоқда. Хусусан, «Хайрабод» маҳалласида яшовчи Садоқат Ҳазратқуловага маҳалла фаоллари томонидан субсидия асосида тикув машинаси етказиб берилди.

Мухбиримиз.

МИНБАР

Маънавият – инсонинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий-руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Шу нуқтаи назардан, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш йўлида барчамиз бирдек масъул бўлишимиз лозим.

Юксак мақсадга юксак маънавият билан эришилади

МАЪНАВИЙ АСОСЛАРСИЗ, МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРСИЗ, МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРСИЗ МАЪНАВИЙ-МИЛЛИЙ РУҲСИЗ ҲЕЧ БИР ДАВЛАТ ЎЗИНИНГ ЮКСАК МАҚСАДЛАРИГА ЭРИША ОЛМАЙДИ

Маҳалла чин маънода тарбия бешиги ҳисобланади. Бунда шубҳасиз, фуқаролар йиғинларида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, кекса ва нуронийлар тажрибасидан фойдаланиш яхши самара беради. Жумладан, Ўзбекистон туманида ҳам Президент ташаббуси билан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича жорий этилган бешта муҳим ташаббус доирасида ижобий натижаларга эришилмоқда.



Бу жараёнда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасида эътиборга олиниб, ижроси таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир. Чунки маънавий асосларсиз, маънавий негизларсиз, маънавий қадриятларсиз маънавий-миллий руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди. Агар биз боболаримиз яратган иккита уйғониб даврининг асосига назар ташлайдиган бўлсак, иккаласида ҳам иқтисодий ривожланиш билан руҳий ривожланиш уйғунлигини кўраемиз.

Эътиборлиси, бу каби эзгу мақсадларга эришиш йўлида унинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилганидир. Жумладан, Президентимизнинг «Маъна-

вий-маърифий ишлар тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, халқ таълими бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жиҳатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб борилмоқда. Фидойи, ватанпарвар ва мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада

мустаҳкамлаш бўйича барча маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Бир нуроний ўн нафар ёшга мурабий», «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз», «Янги Ўзбекистон ва мен», «Қадринг баланд бўлсин она тилим», «Гербим – фахрим», «Муқаддасдур Ватан байроғи» «Маънавий-маърифий ислохотлар натижадорлиги», «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда тарғиботнинг янги усул ва воситалари», «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси», «Учинчи Ренессанс», «Янги Ўзбекистон инсон қадри ва манфаатлари улуғланган юрт», «Заковат», «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила», «Севимли китоб» «Тил - миллат руҳи», «Жаҳолатга қарши маърифат», «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам», «Имом Бухорий издошлари» мавзуларида 186 та маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Аҳоли, айниқса, ёшларимизни китобга бўлган муҳаббатини ривожлантириш

мақсадида ҳар бир маҳаллада «Зиё китоб» дўконлари ташкил этилди. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳозирги кунда «Book safe»лар ташкил этилмоқда. «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида барча умумтаълим мактабларда улуғ аجدодларимизнинг бой меросини ўрганиш, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уқувчи ёшлар ота-боболаримизнинг нафақат ижодларини ўрганиш, балки уларнинг сиймоларини ҳам яратилди.

Ўрни келганда айтиш керакки, маҳаллаларда маънавий муҳитнинг яхшиланишида аҳолига яратилаётган шарт-шароитлар бирламчи аҳамиятга эга. Шу маънода туманимиздаги маҳаллалар ҳам режа асосида муаммолардан ҳоли бўлиб бормоқда. Масалан, жорий йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида «Намуна» ҳамда «Хотамтой» маҳаллаларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари

амалга оширилди. Бу икки ҳудудда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминоти сифатини яхшилаш, йўл масалаларига ечим топиш, янги алоқа тармоқларини тортиш билан боғлиқ масалалар тизимли ҳал этилди. Шунингдек, 5 та ижтимоий соҳа объектларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишлар учун жами 23 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида фуқароларимизда бугунидан розилик, эртанги кунга ишонч ортиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маънавият – инсонинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий-руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Шу нуқтаи назардан, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш йўлида барчамиз бирдек масъул бўлишимиз лозим.

Маҳмудахон КАМОЛОВА,
Ўзбекистон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Бир маҳаллада 1 500 иш ўрни яратилмоқда



Бугун Ёзёвон туманининг олис ва чекка маҳаллаларида ҳам ислохотлар самараси акс этмоқда. Бизнинг «Юқори Сойбўйи» маҳалласи ҳам мутлақо янги қиёфага кирмоқда. Худудда барпо этилаётган «Янги Ўзбекистон» массивида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Жами 948 та хонадондан иборат 33 та беш ва етти қаватли тураржойлар, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 990 ўринли мактаб, 3,8 гектар майдонда яшил боғдан иборат замонавий шаҳарсозлик талаблари асосидаги ушбу мажмуа тумандаги аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга хизмат қилади. Массивда хусусий клиника, умумий овқатланиш шаҳобчаси, Ёшлар маркази ва тантаналар уйи қурилиши режалаштирилган. Туташ худудда эса кичик sanoat зонаси ташкил этилади. Шунингдек, маҳалламизда «Posco International Textile»

МЧЖ хорижий корхонаси томонидан умумий қиймати 65 миллион доллар бўлган ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йирик sanoat мажмуасида жами 1 500 та доимий иш ўрни яратилади. Бу нафақат маҳалламиздаги, балки тумандаги ишсизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Яна бир қувонарли томони, жорий йил маҳалламизга янги бино қуриб берилди. Бу ерда маҳалланинг бешлиги самарали ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, Президентимизнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар

инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 3 км.дан ортиқ, туман ҳокими ташаббуси билан яна 1 км. қўчмаиш шағалланди.



Лутфилла ИСОҚОВ,
Ёзёвон туманидаги «Юқори сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МИНБАР

Биргина шу маҳаллада йил бошида 132 та ишсиз аниқланган бўлса, уларнинг 102 нафари доимий ва мавсумий ишларга банд қилинди. Жорий йилда 11 та жисмоний ва юридик шахсларга 348 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада 20 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

«Ҳар бир муаммо маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда»

КЎХНА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛИБ, ҲАЁТДА ҚИЙНАЛГАН ОДАМЛАР МУАММОЛАРИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ТАШЛАБ ҚЎЙИЛМАЯПТИ. АКСИНЧА, УЛАРГА МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА

Уйчи тумани — Наманган вилоятининг сўлим гўшаларидан. Туманимизда 220 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, одамлар томонидан кўтарилаётган йўл, ичимлик суви, электр тизими, таълим ва тиббиётдаги муаммоларни ечишда уларнинг ўзи ташаббускорлик қилаётгани кўл келяпти.



«Хўжаобод» маҳалласида жойлашган 37-оилавий поликлиника 20 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ярим аср аввал барпо этилгани боис ҳозирга келиб, биналарни таъмирлаш, беморларга шароитлар яратиш, тиббиёт ходимларини самарали меҳнат қилиши учун замонавий қулайликлар яратиш талаб этилмоқда. Бу масалалар ечими албатта, кўпчилик манфаатига хизмат қилади. Шу боис «Хўжаобод», «Зиёкор», «Дўстлик» маҳаллаларининг фаоллари, нурунийлар ташаббус кўрсатди. Ҳамжиҳатликда гап кўп. Шу мақсадда улар «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида иштирок этишгани азалий орзуларини амалга оширди. Лойиҳа доирасида 1 миллиард сўмлик маблағ эвазига бино тўлиқ таъмирланади. Гап аҳолининг ташаббускорлиги ва муҳим масалаларни ҳал этишидаги фаоллиги борасида борар экан, натижалар ҳақида ҳам сўз юритиш ўринли. Яна бир эътиборли

томони, одамлар кўтарган масалаларга эндиликда мутасаддилар ўз вақтида муносабат билдирмоқда. Бу ислохотлар инсон учун хизмат қилаётганининг ёрқин ифодасидир. Туманимиздаги «Деҳқонобод» маҳалласида барпо этилган спорт мажмуаси сўзимизга яққол мисол бўла олади. Айни вақтда кичик футбол майдони, стиртбол, теннис майдончаси болалар ихтиёрида. Яқин вақтгача қаровсиз қолган майдон шу маҳалла аҳолининг ташаббускорлиги ва саъй-ҳаракати билан кўркамлашди. Қолаверса, маҳалланинг обод қилишдек, эзгу мақсад туфайли масала «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали ҳал этилди. 560 миллион маблағ эвазига бу ер жуда чиройли масканга айланди.

ОБОД БЎЛАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

Қайд этиш жоизки, туманимиздаги маҳаллаларда «Обод маҳалла» дастури доирасида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Масалан, «Янгиер» маҳалласи туман

марказидан 24 км. олисда жойлашган бўлиб, 438 та хонадондаги 558 та оилада 2 445 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил дастурга киритилиб, 7 км. дан зиёд ички йўллар асфальтланди, 3 км. ичимлик суви, 1,6 км. электр тармоғи тортилди. 32 та бетон таянч устунлар ўрнатилди, кўчалар тунги ёритиш чироклари билан таъминланди. Маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қад ростлади. Айни пайтда ички пардозлаш ишлари давом этяпти. Биргина шу маҳаллада йил бошида 132 та ишсиз аниқланган бўлса, уларнинг 102 нафари доимий ва мавсумий ишларга банд қилинди. Жорий йилда 11 та жисмоний ва юридик шахсларга 348 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада 20 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Қўшимча инвестиция зонасида янги корхона ишга тушиши билан барча ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди. Камбағалликни қисқартириш, ёшлар тарбияси, бандлик

масалаларига ҳам ечим топилди. Айниқса, кўхна қадриятларимиз бардавом бўлиб, ҳаётда қийналган одамлар муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмаяпти. АКСИНЧА, УЛАРГА МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА. «Тепасарой» маҳалласида яшовчи Розия Шамсиддинова ҳам турмуш синовларига дуч келганлардан. Бундан бир неча йил аввал турмуш ўртоғи вафот этиб, 3 норасида билан қолган. Ташвишлар саломатлигига ҳам таъсир қилди. Бир ёнда хали битмаган уй-жой қурилишини тугаллаш, фарзандларни боқиб, вояга етказиш аёл бошига осон эмас. Бирок маҳалла-кўй унга ҳар томонлама кўмаклашяпти. Хонадондаги қурилиш ҳам юришиб, 3 хона уйнинг том қисми ёпилди.

ТОМОРҚА МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Туманда хонадон томорқаларидан унумли фойдаланишга ҳам катта эътибор берилляпти. Мисол учун, ихчам иссиқхоналарда, асосан, резаворлар экиб парваришланяпти. Маҳалла

вакили Ислонжон Исабоев шундай ҳамюртларимиздан. Ўғилларининг ҳаракати билан иссиқхона ташкил этишган. Йилдан-йилга тажрибалари ошиб бормоқда. 7 сотихли майдонда серҳосил памидор, 8 сотихли ерда эса бодринг экишган. Йилига 2 марта ҳосил олинади. Эътиборлиси, табиий иситилгани учун харажатлар кам. 2 қаватли «пленка» остида иссиқлик яхши ушланади. Суғориш ва ўғитлар ҳам томчилаб берилди. Жорий йилги биринчи ҳосилдан 25 миллион даромад қилишган бўлса, иккинчи ҳосилдан ҳам даромад бундан кам бўлмади. Қувонарлиси, жорий йилда бу хонадон эгалари қўшни Қирғизистон Республикасига 18 миллион сўмлик помидор экспорт қилди. Энг муҳими, бу каби хайри ишлар натижасида одамларда эртани кунга ишонч ортиб, оилалар даромади ошиб бормоқда.

Ислонжон ВАЛИХОНОВ,
Уйчи тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Камчиликларга ўрганишлар асносида ечим топиляпти

Норин туманидаги маҳаллаларда жойлардаги ечимини кутаётган масалаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳи ўрганишлар олиб бормоқда.



«Еттиқашқа» маҳалласида соҳалар бўйича олиб борилган ўрганишлар давомида дастлаб маҳалла масъуллари билан амалга оширилаётган ишлари юзасидан суҳбатлашилди. Маҳаллада уйма-уй юрилиб, ҳар бир хонадоннинг шароити билан танишилди, аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Аниқланган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал қилиш чоралари кўрилди. Ушбу жараёнда асосий

эътибор — оғир ижтимоий аҳволдаги, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган инсонларни қийнаётган масалаларга ечим топишга қаратилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати — масъуллар, ишчи гуруҳи аъзолари ўша ерда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, кекса нурунийлар билан аҳолида мавжуд муаммолар хусусида муҳокамалар ўтказиб, жойида ечим изламоқда. Хонадонларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тегишли таш-

килотларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

«Меҳр-мурувват ойлиги» доирасида туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ва «Маҳалла» ҳайри жамоат фондининг туман бўлини маси ходимлари «Ўзбекистон», «Бобур» ва «Сирмоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи ногирон болажонлар ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар тақдим этди.

Муҳбиримиз.

ЖАРАЁН

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги фуқароларнинг ҳаётини яхшилаш, кексаларимизни эъзозлаш, уларга муносиб шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча жабҳаларида муносиб меҳнат қилиб келмоқда.

«Одамлар розилиги — энг катта эътироф»

АЖРАЛИШ ЁҚАСИДАГИ ОИЛАЛАРНИ ЯРАШТИРИШ, АКА-УКА, ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР ОРАСИДАГИ ГИНАЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДА ЁШИ УЛУҒ ИНСОНЛАР АЛОҲИДА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТИШЯПТИ. ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА УЛАРНИНГ САЎЙ-ХАРАКАТЛАРИ БИЛАН 83 ТА НОТИНЧ, АЖРАЛИШ ЁҚАСИДАГИ ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ. НАТИЖАДА 160 НАФАРГА ЯҚИН БОЛАНИНГ ЕТИМ БЎЛИБ ҚОЛИШИНING ОЛДИ ОЛИНДИ



83 ТА ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ

Аёл киши бўлганим учунми, бошқа масалалар қатори худудимизда аёллар муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаман. Зеро, бу долзарб масалалардан бири саналади.

Бизда ажралиш ёқасидаги оилаларни яраштириш, ака-ука, қариндош-уруғлар орасидаги гиналарни бартараф қилишда ёши улуг инсонлар алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Йилнинг ўтган даврида уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 83 та нотинч, ажралиш ёқасидаги оила яраштирилди. Натижада 160 нафарга яқин боланинг етим бўлиб қолишининг олди олинди.

Аёлларга зўравонлик масаласи бизнинг худудда кам учрайдиган ҳодиса, деярли йўқ, десак ҳам бўлади. Баъзан учраб қоладиган вазиятлар маҳалла фаоллари, нуруний онахону отахонлар иштирокида зудлик билан бартараф қилинади. Буни маҳаллаларимизда ажралишлар сони йилдан-йилга камайиб бораётгани

мисолида ҳам кўриш мумкин.

МАҲАЛЛАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Туманимиз вилоятдаги муҳим қишлоқ хўжалиги, саноат туманларидан бири саналади. Шу билан бирга, ҳунармандчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликлари, балиқчилик, асаларичилик соҳалари ривожланиб бормоқда. Мавжуд 57 та маҳалламизда 139 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими одамларни юртимизда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлардан рози қилиш, ислохотлар моҳиятини тушунтириш, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини самарали муҳофаза қилиш ва амалга ошириш йўналишида иш олиб бормоқда. Биз доимо халқ билан бирга, одамлар орасидамиз. Уларни қийнаётган муаммолар ечими устида тинимсиз изланишдамиз.

Ўтган давр мобайнида янги маҳалла биноларини бунёд эиш, уларни замонавий техникалар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Туманда 33 та маҳалла биноларини фойдаланишга топширилди. Ҳозирда ўз хизмат биноларига эга бўлмаган маҳаллалар 4 тани ташкил этади. Ҳашар йўли билан «Учоқли» маҳалла биносининг қурилиши бошланиб, йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режа қилинган.

ТУМАНИМИЗ «ЯШИЛ МАКОН»ГА АЙЛАНДИ

Туманимизда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш, дарахт, бута кўчатлари экиш ва парваришlash бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йил куз мавсумида кўкаламзорлаштириш, манзарали мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этилди. Тумандаги

мавжуд 57 маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли хонадонларига 111 100 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг саъй-ҳаракатлари ва тарғибот ишлари натижасида ҳозирги кунга қадар режа ортиғи билан бажарилди: 111 210 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари аҳоли хонадонларига экилди.

Шу билан бирга, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги фуқароларнинг ҳаётини яхшилаш, кексаларимизни эъзозлаш, уларга муносиб шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча жабҳаларида муносиб меҳнат қилиб келмоқда. Ҳаракатларимиз натижасида одамларимиз ислохотлардан рози бўлишса, шу биз учун энг катта эътироф саналади.

Гулбахор ҚЎШМАТОВА, Ўрта Чирчиқ тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРЛАРИ КАМАЙТИРИЛДИ

«Давлат божи тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

— кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун:

☑ агар кўчмас мол-мулк Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида жойлашган бўлса, **БҲМнинг 1 баравари** (илгари кўчмас мол-мулкнинг умумий майдонига қараб БҲМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача);

☑ агар кўчмас мол-мулк бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса, **БҲМнинг 50 фоизи** (илгари кўчмас мол-мулкнинг умумий майдонига қараб БҲМнинг 50 фоизидан 1,5 бараваригача).

— мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартишлар киритганлик учун:

☑ мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онаси, болалари ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига — **БҲМнинг 10 фоизи** (илгари БҲМнинг 25 фоизи);

☑ жисмоний шахслар учун — **БҲМнинг 25 фоизи** (илгари БҲМнинг 50 фоизи);

☑ юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса — **БҲМнинг 50 фоизи** (илгари БҲМнинг 1 баравари).

☑ мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун — **БҲМнинг 25 фоизи** (илгари БҲМнинг 50 фоизи).

гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

☑ жисмоний шахслар учун — **БҲМнинг 1 баравари** (илгари шартнома суммасига қараб БҲМнинг 1 бараваридан 2 бараваригача);

☑ юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса — **БҲМнинг 2 баравари** (илгари шартнома суммасига қараб БҲМнинг 2 бараваридан 4 бараваригача).

☑ қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун — **БҲМнинг 25 фоизи** (илгари шартнома суммасига қараб БҲМнинг 25 фоизидан 1 бараваригача).

— автомобилотранспортни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

☑ автомобилотранспорт воситалари учун — **БҲМнинг 3 баравари** (илгари транспорт воситаси двигателининг қуввати, яъни от кучига ва ишлаб чиқарилган санасига қараб БҲМнинг 2 бараваридан 10 бараваригача);

☑ битта мототранспорт, мотоаравача, мотоқайиқ учун — **БҲМнинг 25 фоизи** (илгари ишлаб чиқарилган санасига қараб БҲМнинг 10 фоизидан 50 фоизигача).

РАМС ЁН ДАФТАРИГА!

ТАҲЛИЛ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкилий тузилмаси ва фаолиятида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиб, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилган эди. Бу янгилик ва ўзгаришлар ҳудудлар ривожига хизмат қилдими? Аҳоли турмуш тарзи, ҳаётида ўз аксини топа олдимми? Аини саволларга маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари фаолияти мисолида жавоб излаб кўраимиз.



Ҳоким ёрдамчиларига ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонлари ажратиш масалалари билан шуғулланиш вазифалари топширилган. Мазкур лавозим эгалари аҳоли билан биргаликда ишлайди.

Мурожаатлар шунчаки қайд этилмайди

ШУНГА АМИН БЎЛДИККИ, ҚАЕРДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА ЁРДАМЧИ БИРГАЛИКДА ИШЛАЁТГАН, БИР-БИРИГА ЁРДАМ БЕРАЁТГАН БЎЛСА, ЎША ЕРДА ИШ САМАРАСИ КЎРИНМОҚДА, НАТИЖА БЎЛМОҚДА

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги маълумотларига кўра, ҳоким ёрдамчилари томонидан 2022 йил январь-октябрь ойларида ҳудудларда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали 2,4 миллион нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланган. Шунингдек, уларнинг тавсияномалари асосида 347 мингдан ортиқ 8,1 триллион сўм имтиёзли кредитлар ва 46 мингдан ортиқ ишсизларга 152,5 миллиард сўм субсидиялар ажратилди.

Бундан ташқари, 274 минг нафар аҳоли касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун йўналтирилиб, уларнинг 223 минг нафари ўқишни тамомлади. 46 мингдан ортиқ «маҳаллабай» микроойналарнинг 35 мингтаси ишга туширилиб, 175 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Мухтор Шоназаров маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 9 минг 294 нафар ҳоким ёрдамчиси фаолият олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 406 та маҳалланинг барчасида ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган. Бириктирилган маҳаллаларни тўлиқ ўрганиш учун «хонадонбай» ўрганиш сўровномаси ва йиғма жадвал шакли ҳамда ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Тўрткўл туманидаги «Марказобод» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Акмалжан Қўчқоровнинг таъкидлашича, ҳоким ёрдамчиси аввалдан тадбиркор, удабурон ва муаммодан қочмайди инсон бўлса

гина, бировнинг ишончига кира олади. Утган муддат давомида 69 нафар киши доимий ишга жойлаштирилди, 72 нафари ўзини ўзи банд қилди, 7 нафари тадбиркорликка жалб қилинди, 10 нафар аҳолига ижара асосида ер ажратилди.

— Ҳамкасбларим билан фаолиятимизнинг илк кунларини маҳалламиздаги кам таъминланган, эҳтиёжманд, «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган оилаларни тадбиркорликка жалб қилишдан бошладик, — дейди Акмалжан Қўчқоров. — Қолаверса, аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун асосий драйвер йўналишлар белгилаб олинди. Унга кўра, тумандаги барча маҳаллаларда чорвачилик, парранда, асаларичилик, иссиқхоначалик, деҳқончилик, боғдорчилик, хизмат кўрсатиш йўналишлари ривожлантирилади.

Чимбой туманидаги «Шохтемир» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Айдош Даулетмуратовнинг иш фаолиятдан одамлар мамнун. Маҳаллада ўтказилган хатлов натижасида камбағалликнинг асосий сабаблари — ишсизлик, касб-ҳунарга эга эмаслик (ўқимаганлик) ва кредитлар олиб, ўзларини банд қилишда муаммолар вужудга келаётгани экани ойдинлашди.

— Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун ўзимга «йўл харитаси» ишлаб чиқдим ва ишсиз фуқароларга кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича тавсияномалар бердим, кооперациялар ташкил қилиб, ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини уларга жалб қилдим, — дейди Айдош Даулетмуратов. — Халқ орасида юриб шундай хулосага келдимки, фақат кредит ёки субсидия маблағлари ажратиш аҳолини камбағалликдан чиқариш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун

камбағал уй хонадонларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш бўйича, энг аввало, ишни уларни тадбиркорликнинг турли йўналишлари ва касбларга ўқитишдан бошлаяпмиз.

«80 НАФАР ҲОКИМ ЁРДАМЧИ-СИ АЛМАШДИ»

Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Жамшид Уроқовнинг қайд этишича, жорий йилнинг ўтган даврида ҳоким ёрдамчилари саъй-ҳаракати билан 83 минг фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 13 мингга яқини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 137 минг нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 11 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлади. 32 минг нафар ишсиз фуқаро ижара асосида ер олиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Ж.Уроқовнинг таъкидлашича, шу пайтгача вилоятдаги 1 126 маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчиларининг 80 нафарга яқини алмашди. Жумладан, 6 нафари юқори лавозимга ўтган бўлса, кўпчилиги ушбу вазифага нолойқлиги сабабли ишдан олинган. Бугунги кунда 18 маҳаллада ҳоким ёрдамчиси ўрни вакант ҳисобланади ва бу жойлар учун танлов эълон қилинган.

— Бу тизим ўтган йил вилоятда синов тарзида жорий этилган ва маълум тажриба, кўникма бор эди, — дейди Ж.Уроқов. — Бироқ 1 126 маҳаллага янги кадр қўйиш, уларнинг ишини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш осон бўлмади. Шунга амин бўлдимки, қаерда маҳалла фуқаролари йиғини раиси ва ёрдамчи биргаликда ишлайдиган, бир-бирига ёрдам бераётган бўлса, ўша ерда иш самараси кўринмоқда, натижа бўлмоқда.

Ёрдамчи «мен ҳокимлик вакилиман», деб ўзини баланд тутган, оқсоқол «маҳалланинг эгаси менман» деб юрган жойларда ютқазган аҳоли бўлди. Албатта, бундай ҳолатларга ўз вақтида чек қўйилмоқда. Маҳалладаги «бешлик», яъни раис, ёрдамчи, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори бир жамоа бўлиб фаолият кўрсатиши керак ва буни уларнинг ўзи ҳам англамоқда.

Каттақўрғон шаҳридаги «Ермачит» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Феруза Раҳимова фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан «халқ ичига кириш», «унинг дардига кулоқ солиш», «ташвишига шерик бўлиш» ва «муаммоларни жойида ҳал этиш» тамойиллари асосида маҳалла вакиллари билан мустаҳкам алоқани ўрнатган.

— Йил бошида камбағаллик руйхатига 16 нафар фуқаролар олинган бўлса, ҳар бири билан алоҳида ишлар олиб борилди, — дейди Феруза Раҳимова. — Маҳалла ҳудудида кўп йиллар давомида ишлатилмай турган, тадбиркорга тегишли бўлган кўп қаватли уй-жойга мўлжалланган бино капитал таъмирдан чиқарилиб, шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан уй-жойга муҳтож бўлган фуқароларга топширилди. Маҳаллада нафақат коррупция ҳолатларини бартараф

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиларига ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонлари ажратиш масалалари билан шуғулланиш вазифалари топширилган. Мазкур лавозим эгалари аҳоли билан биргаликда ишлайди. Одамларга давлат томонидан яратилган молиявий имкониятларни етказди. Тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқишига кўмаклашади.

этиш, балки ҳеч қандай гумон ҳам қолмаслиги учун ҳар бир ишимда ошкоралик ва очиқликни таъминлашга ҳаракат қиламан. Маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари, депутатларни жалб этиб, аҳолини тоифаларга ажратиш, улар билан доимий мониторинглар олиб бориш, халқ олдида ҳисоботлар бериш тартибини ишлаб чиққанмиз.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ҳоким ёрдамчилари фаолиятдан одамлар мамнун. Аҳоли ўзини қийнаётган масалалар юзасидан исталган вақтда уларга мурожаат қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, мурожаатлар шунчаки қайд этиб борилмаяпти, ҳар бири бўйича аниқ натижалар мавжуд. Бу эса одамларнинг маҳаллага ишончини ошириб, улардан рози яшاشига замин ҳозирляпти.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.

ЖАРАЁН

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига «Омадингизни берсин» телеўйинида ютган, аммо қимматбаҳо ютуқларини ололмаётган иштирокчиларга ваъда қилинган жами 2 млрд. сўмлик ютуқлар ўз вақтида топширилмагани ҳолати бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилди.

Қонун талаблари қатъий бажарилиши шарт!

ЎРГАНИЛГАН РЕКЛАМАЛАРНИНГ 647 ТАСИДА КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ ВА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ. ШУ ЎРИНДА АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ КЕРАККИ, БУ МАВЗУ БЎЙИЧА ЎРГАНИШЛАРИМИЗДА «MAHALLA» ГАЗЕТАСИ БИЛАН ҲАМ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНДИ

Жорий йил 9 сентябрь куни янги таҳрирдаги «Реклама тўғрисида»ги қонун кучга киргани, бир қатор янги тушунчалар, меъёрлар белгилангани ва рекламага қўйилган талаблар кучайтирилганидан хабарингиз бор. Хўш, ўтган даврда бу борада белгиланган талаблар қандай бажарилмоқда?



Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан барча манбалар орқали жойлаштирилган рекламаларнинг қонунчилик талабларига мослиги юзасидан олиб борилган 40 мингдан ортиқ ўрганиш ва кузатувларга кўра, 13 минга яқин ҳолатда турли камчиликлар аниқланган.

Хусусан, қонунда дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар рекламасида таниқли иштирокидан фойдаланиш ман этилади. Шунингдек, дори воситасини ноёб, энг самарали, энг хавфсиз деб тақдим этиш мумкин эмас. Биологик фаол қўшимчалар рекламасида эса уларни даволаш хусусиятларга эгаллиги ҳақида маълумот бериш, фуқароларнинг миннатдорчилигини кўрсатиш ва уларни дори воситаларига нисбатан афзаллиги ҳақидаги таассуротни юзага келтириш тақиқланган.

Агентлик томонидан мазкур йўналишда ўрганилган рекламаларнинг 647 тасида камчиликлар аниқланди ва бартараф этилди. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш керакки, бу мавзу бўйича ўрганишларимизда «Mahalla» газетаси билан ҳам самарали ҳамкорлик қилинди.

Шунингдек, республикамизда тотализатор ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ва, албатта, бундай хизматларни реклама қилиш тақиқланган бўлиб, ўтказилган ўрганишларда 162 та ҳолатда бундай хизматлар рекламаси аниқланган. 50 дан ортиқ тотализатор ва букмекерлик рекламасини ноқонуний равишда юритувчи сайтларга кириш мутасадди идоралар орқали чеклаб қўйилди.

«Реклама тўғрисида»ги қонун билан энергетик ичимликлар рекламасига доир қўшимча талаблар ўрнатилган бўлиб, эндиликда ташқи реклама ва ахборот восита-

лари орқали жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Афсуски, бу борада ҳам камчиликлар кам эмас.

Янги таҳрирдаги қонунда энг муҳим янгиликлардан бири эндиликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама давлат тилида тарқатилади ва реклама мазмунининг таржимаси қўшимча равишда бошқа тилларда такрорланиши мумкин. 39 215 та объектда ўтказилган шундай ўрганишлар давомида уларнинг 11 555 тасида хато ва камчиликлар аниқланган.

«Реклама тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, тегишли мукофот фонди мавжуд бўлмаган ҳолда рағбатлантирувчи акцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланади. Яқинда айтиш мумкин бузилиши ортидан катта шов-шув келиб чиқди. Яъни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига «Омадингизни берсин» телеўйинида ютган, аммо

қимматбаҳо ютуқларини ололмаётган иштирокчилардан мурожаатлар келиб тушмоқда. Ўтказилган ўрганишлар иштирокчиларнинг умумий ютуқлари 2 млрд. сўмни ташкил этаётганини кўрсатмоқда. Истеъмолчиларга ваъда қилинган жами 2 млрд. сўмлик ютуқлар ўз вақтида топширилмагани ҳолати бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу борадаги қонунлар ижроси таъминланишида ҳар бир юрtdошимиз фаол иштирок этишини истардик. Зеро, аҳолининг истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамоатчилик назоратини ошириш муҳим ҳисобланади.

Моҳрухсор ТОҒАЕВА, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ахборот хизмати раҳбари.

ФИРИБГАРЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАН?

ФИРИБГАРЛИК – бу ўзганинг мулкни ёки мулкга бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишдир.

Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жиноят кодексига кўра, ушбу жиноятни содир этган шахс:

- ☑ БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (15 млн сўмдан 30 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- ☑ 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- ☑ 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш;
- ☑ 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, фирибгарликнинг миқдори, такрорийлиги, содир этган шахслар, содир этиш воситасидан келиб чиқиб жавобгарлик чораси оғирлашиши мумкин.

Фирибгарлик компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

- ☑ БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача (30 млн сўмдан 90 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- ☑ 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- ☑ 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш;
- ☑ 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

- ☑ БҲМнинг 300 бараваридан 400 бараваригача (90 млн сўмдан 120 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- ☑ 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- ☑ муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса:

- ☑ БҲМнинг 400 бараваридан 600 бараваригача (120 млн сўмдан 180 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- ☑ 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўтказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Суннат тўйи «Уч авлод учрашуви»га уланди

Когон туманидаги «Янги сарой» тантаналар саройида тумандаги 23 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 25 нафар эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» рўйхатидаги оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ҳамда «Уч авлод учрашуви» ўтказилди.



Тадбирда туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда тўй болаларнинг ота-оналари ва яқинлари қатнашди. Сўзга чиққанлар юртимизда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий рўйхатдаги фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган иш-лохотлар хусусида сўз юритди.

Сўнгра болажонларга сектор раҳбарлари, туман Халқ қабулхонаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар томони-

дан сарпо ва зар чопонлар кийдирилди. Велосипедлар совға қилинди. Тадбирда ҳозир бўлган нуронийлар эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, Ватан ободлиги, халқимиз фаровонлигини тилаб, дуога қўл очди.

Тадбир файзли ва тўкин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида давом этди. Даврага миллий таом ош тортилди. Йиғилганлар ва болажонлар шарафига туман маданият бўлими бадиий ҳаваскорлик жамоаси ўз дастури ва саҳна кўринишлари, куй-қўшиқ ва рақсларини намойиш этди.

ҲОЛАТ

Данғарада ёш ўспирин «1Xbet» қурбони бўлиб, 16 миллион сўм учун ўз жонига қасд қилган. Гулистонда 26 ёшли фуқаро интернетда қимор ўйинларини ўйнаб, 100 миллион сўмдан ортиқ қарзга ботган, сўнг холасининг хонадонига ўғирликка кириб, унинг ўғлини пичоқлаб ўлдирган.



«ОНЛАЙН ҚИМОР»: Жиноятлар сони ортмоқда, жавобгарлик-чи?

Сўнгги пайтларда «онлайн қимор», яъни Интернет тармоғида қимор ва таваккалчиликка асосланган турли кўринишдаги ўйинлар кўпайиб, айрим фуқаролар охир-оқибатини ўйламай, унинг домига тушиб қолмоқда. Оқибатда кимдир қарзга кириб кетиб ўзини осган, кимдир давлат кассасидаги пулни тикиб юборган, кимдир уй-жойини сотиб, оиласини ташлаб чет элга қочган...

ЎЗ ЖОНИГА СУИҚАСД – МУАММОДАН ҚУТИЛИШ ЙЎЛИ ЭМАС

Маълумотларга кўра, бу ўйинлар билан боғлиқ жиноятлар 2019 йилда 55 та, 2020 йилда 86 та, 2021 йилда 103 та, 2022 йилнинг олти ойида 90 тани ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, «онлайн қимор» инсонда қарамликни вужудга келтириб, катта миқдордаги пул маблағларини сарфлаши, айрим фуқароларнинг ўз жонига қасд қилиш, фирибгарлик, бюджет маблағларини талон-торож қилиш каби ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, ижтимоий тармоқларда, хусусан, бир неча юз минглаб кузатувчиларга эга машҳур шахсларнинг саҳифаларида қимор ўйинларини реклама қилиш ҳолатларига кўп бор дуч келяпмиз. Ачинарлиси, ҳудудларда онлайн қимор ўйинларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш тармоқлари шаклланиб бормоқда. Жумладан, айрим фуқаролар томонидан тўлов хизматларини кўрсатиш (Paynet шохобчалари) ниқоби остида онлайн қимор ўйинларида қатнашиш учун электрон маблағлар билан таъминлаш хизмати йўлга қўйилган.

Янада аянчлисиз, «онлайн қимор»да ютқазгани сабабли 2021 йилда 6 нафар ва 2022 йилнинг олти ойида яна шунча фуқаро ўз жонига қасд қилиб, вафот этган. Уларнинг барчаси 25 ёшгача бўлган ёшлардир.

Бундан ташқари, 2-3 ой нари-берисида бу каби ҳолатлар яна бир неча бор такрорланди. Мисол учун, июнь ойининг охирида Норин туманида оилали, 1 фарзанднинг отаси, автомактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган Н.А. исмли шахс уйининг том қисмига ўзини осиб, вафот этган. Текшириш давомида марҳум охирги вақтларда онлайн қиморда ютқазиб

қўйгани, оқибатда оиласида келишмовчиликлар келиб чиққани ва руҳиятида салбий ўзгаришлар бўлгани ойдинлашди. Худди шундай, Фарғона давлат университетининг Ёшлар, маънавиятга алоқадор бўлимида ишлайдиган йигит онлайн қимор ўйинларига аралшиб қолиб, катта миқдорда қарздор бўлиб қолган, натижада қарзни тўлашга кўзи етмай ўз жонига қасд қилган. Ёзёвон туманидаги ҳолат ҳаммасидан ачинарли: 100 миллион сўмдан ортиқ пулни ютқазиб қўйган У.Н. қўшнисининг уйига ўғирликка тушади ва ҳомиладор келинни пичоқлаб ўлдириб қўяди.

Яна мисоллар келтирамиз:

Данғарада ёш ўспирин «1Xbet» қурбони бўлиб, 16 миллион сўм учун ўз жонига қасд қилган. Гулистонда 26 ёшли фуқаро интернетда қимор ўйинларини ўйнаб, 100 миллион сўмдан ортиқ қарзга ботган, сўнг холасининг хонадонига ўғирликка кириб, унинг ўғлини пичоқлаб ўлдирган. Пастдарғомда 17 ёшли ўспирин интернетда авж олган тотализаторда катта миқдорда пул ютқазиб, бошқалардан қарз бўлиб қолгани сабабли ўз жонига қасд қилган.

Таваккалчиликка асосланган бу касофат ўйинга аралшиб қолишлари оқибатида қанчадан-қанча оилаларнинг бузилиб кетаётгани ҳақидаги хабарлар эса кишини даҳшатга солади. Хуллас, бугун шу каби ҳодисаларни кўпайиб мисол тариқасида келтириш мумкин. Ачинарлиси, ҳамюртларимиз осонгина фирибгарлар тузоғига илиниб, ҳаётда ўзига бир маротаба берилган қимматли умрини фожиали яқунлашяпти.

Букмейкерлар ўйинлар дастурларини шу қадар пухта

ишлаб чиққанки, ҳар босқичда ўйинчини қизиқтириш орқали янада ўйинга жалб қилиш, ниҳоясида мағлуб қилиш орқали мўмайгина даромад қилишни мақсад қилган. Ачинарлиси, орамиздаги содда инсонларнинг мана шу оддий ҳақиқатни англаб етишлари қийин бўлмоқда. Охир-оқибат муаммодан қутулиш учун ўз жонига қасд қилиб, оила аъзоларини доғда қолдириб кетяпти. Афсуски, «онлайн қимор»дан бошланган муаммони марҳумнинг яқинлари ҳал қилишга мажбур бўлмоқда.

ЖАВОБГАРЛИК КИМЛАР УЧУН КУЧАЙТИРИЛАДИ?

Юқоридаги ҳолатлар муаммони бартараф этиш чораларини кўриш зарурлигини кўрсатади. Шу мақсадда ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасида Интернетда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар учун жавобгарлик белгиланган масаласи ўз аксини топган. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган.

Ҳужжат билан **Жиноят кодексига киритилаётган ўзгаришларга кўра**, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш, ўтказиш ёки уларда иштирок этиш учун телекоммуникация тармоқлари ёхуд Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш — **БҲМнинг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолашга сабаб бўлади.**

Шунингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни тарғиб қилувчи маҳсулотни қонунга хилоф

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шу жумладан, уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга БҲМнинг юз баравари, мансабдор шахсларга эса икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

равишда реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — **БҲМнинг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолашга сабаб бўлади.**

Бундан ташқари, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимчаларга кўра**, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шу жумладан, уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини **мусодара**

қилиб, фуқароларга **БҲМнинг юз баравари**, мансабдор шахсларга эса **икки юз баравари** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ!

Умуман олганда, вазият «онлайн қимор» ўйинларини тақиқлаш ва уларга қарши чора кўришнинг ўзи билангина муаммога буткул ечим топиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Тўғри, ноқонуний сайтларга кириш чекланипти, қонунни бузганлар жавобгарликка тортиляпти. Юқоридаги қонун билан бу борадаги ишлар янада қатъий олиб борилишига шубҳамиз йўқ.

Бироқ, «Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди?» XXI асрда ахборот хуружи билан кириб келган ушбу балога саноқли ташкилотларгина кураш олиб бориши нечоғли муаммога орқали ризқ топиб қолган келажак турибди. Билим олиш, ўз вақтини фойдали машғулотларга сарфлаш, ҳалол меҳнат орқали ризқ топиш ўрнига осон ва ҳаром пул топишга бўлган кучли хоҳишнинг ёшлар орасида ортиб бораётганининг ўзи аслида, жамият учун улкан фожиа эмасми? Бу масалада аллақайси ташкилот ташаббус қилганига қадар «онлайн қимор» қурбонларининг сони яна қанчага етиши керак?

Демак, Ўзбекистондаги барча таълим муассасалари, ҳар бир ҳудуддаги маҳаллалар, туманлардаги ҳокимликларда тушунтириш ҳамда огоҳлантириш ишлари олиб борилиши керак! Қўлни қўлга бериш вақти келди! Шундагина муаммо ечимини учун нимадир қилган бўлар эдик...

Санжар ИБРОҲИМОВ.

ХУҚУҚ

Соҳадаги ўзгаришлар хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ, имкониятларни таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Энди ҳеч бир аёлнинг муаммоси четда ва эътиборсиз қолмайди.



Гендер тенглик: миллий қонунчилик ва халқаро амалиёт

ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА ЖИНСИ БЎЙИЧА КАМСИТИШЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК МАРКАЗИЙ ҚОИДА БЎЛИБ, ҚОНУН МАЗМУНИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ДЕЯРЛИ БАРЧА МОДДАЛАР УШБУ НОРМАНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Бугунги кунда Ўзбекистонда аёллар ва эркекларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Аини пайтда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ўтган беш йил давомида соҳага оид 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори, 17 та ҳукумат ҳужжати қабул қилинди. Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқ, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда гендер тенглиги масалаларига инсон ҳуқуқлари доирасида муҳим аҳамият берилишди далолат беради.

Конституциямизда белгиланган тенглик тамойилига мувофиқ, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, жинсидан қатъи назар қонун олдида тенгдир. Шу билан бирга, гендер тенглиги нафақат ҳуқуқларнинг тенглигини назарда тутати, балки эркеклар ва аёллар ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун гендер тенглигини таъминлашга қаратилган.

2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун гендер тенглигини таъминлашда

давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, гендер сиёсатини амалга оширишнинг институционал асосларини белгилайди. Бу эса давлатнинг барча соҳаларда аёллар ва эркекларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш тамойилига риоя этишга қатъий содиқлигини ифодалайди. Асосийси, жинси бўйича камситишларга йўл қўймаслик марказий қоида бўлиб, қонун мазмунини ташкил этувчи деярли барча моддалар ушбу нормани таъминлашга қаратилган. Бунда қонун билан фуқароларнинг таълим соҳасида гендер тенглигига эришиш масалалари алоҳида моддада тартибга солинган.

Ўзбекистонда гендер тенглиги масалалари умумэтироф этилган халқаро шартномаларга мувофиқ равишда тартибга солинмоқда. Халқаро миқёсда биринчи марта инсон ҳуқуқлари қадрияти ва тенглик тамойилини, шу жумладан, гендер асоси бўйича тенгликни БМТ Низомида ва 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида баён қилинган. Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиши натижасида юқоридаги декларацияда мустаҳкамланган кўплаб нормалар Ўзбекистон учун

мажбурий юридик кучга эга бўла бошлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясига қўшилди. Бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича энг илғор «йўл харитаси» — 1995 йил сентябрь ойида Пекинда (Хитой) аёллар бўйича IV Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси ҳисобланади. Конференция якуни бўйича 189 давлат, жумладан, Ўзбекистон вакиллари бир овоздан Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини қабул қилган.

Хулоса қилиб айтиш керакки, миллий қонунчилигимиз нормалари халқаро меъёр ва стандартларга тўлиқ мос келади ҳамда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштиришга, бардавом бўлишига хизмат қилади. Қолаверса, соҳадаги ўзгаришлар хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ, имкониятларни таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Энди ҳеч бир аёлнинг муаммоси четда ва эътиборсиз қолмайди.

Гулноза САТТАРОВА, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.

БУНЁДҚОРЛИК

Самарқандда йил бошидан 180 та маҳалла биноси қурилди

ВИЛОЯТДА УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ ВА ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ЯНА 30 ТА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ УЧУН ЯНГИ БИНОЛАР ҚУРИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН



Маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга бўлмас экан, ишда умумдорлик, самара бўлиши қийин. Қолаверса, қайсидир муаммоси билан йиғинга келганлар ҳам оғринмай дардини айтади, «ёрдам сўраб келган жойимнинг ўзи кўмакка муҳтож-ку» дея истиҳоло қилмайди. Энг муҳими, маҳалла ҳудуднинг ўзига хос бошқарув органи экан, унинг шароитлари ҳам шунга муносиб бўлиши керак.

Йил бошида қилинган таҳлилларга кўра, Самарқанд вилоятида мавжуд 1 126 маҳалланинг 86 таси ўз биносига эга эмаслиги, 40 таси бир хонали, 171 таси икки хонали биноларда фаолият юритаётгани қайд этилди. Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов томонидан яна бир қатор маҳаллаларда етарли шарт-шароит мавжуд эмаслиги танқид қилиниб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берилган эди. Маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлик ёрдамлари, қолаверса, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида йил давомида вилоят бўйича 194 та маҳалла учун янги бино қуришга қарор қилинганди.

— Илнинг номланиши ва дастур талабларидан келиб чиқиб, бу борада шу пайтгача маълум бир натижаларга эришдик. — дейди Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуруийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. — Керакли маблағ ажратилди, ҳомийлар топилди, аҳолининг ўзи ташаббус кўрсатди. Натижада шу пайтгача вилоятда 180 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда гап раҳбарларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиб, маҳалла аҳли бошини бириктирган ҳолда ишларни ўз вақтида бажаришида қолмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинида ишловчи беш кишига шароит қилиб берилса, ҳудуддаги кўп муаммоларга ечим топилади, маҳалла аҳолиси борадиган эшик пайдо бўлади.

8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида ҳам қатор маҳалла бинolari фойдаланишга топширилди. Хусусан, Пайариқ туманидаги «Ғойиб ота» маҳалласи биноси ҳомийлик ва ҳашар йўли билан, «Бўшқўрғон» йиғини биноси маҳаллий бюджет

маблағлари ҳисобидан қуриб берилди. Тойлоқ туманидаги «Ғўлба», Нарпай туманидаги «Гулистон», «Ипак йўли», «Беклар», Урганч туманидаги «Чоштепа», Қўшработ туманидаги «Тинчлик», Оқдарё туманидаги «Кумушкент», Иштихон туманидаги «Деҳқонобод», «Мирзоқул» йиғинлари фаоллари янги биноларга кўчиб ўтишди. Қисқа фурсатда янгидан бунёд этилган биноларда раис ва бошқа ходимлар учун зарур шароитлар яратилган.

— Маҳаллада ишловчиларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтириб, масъулияти ошди, — дейди Қўшработ тумани маҳалла ва нуруийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Машҳура Шамсиева. — Шу билан бирга, одамларнинг маҳаллага муносабати ўзгарди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Ҳар қандай масалада одамлар, аввало, маҳаллага боради, қувонч ташвиши маҳалла билан. Бу ерда ечим топмаган масала, муаммо кейин юқорига чиқади. Шунинг учун фуқаролар йиғинларида ходимлар ва аҳоли учун муносиб шароит бўлиши керак. Йил бошидаги таҳлиллар асосида вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан барча туман ва шаҳарларда бўлгани каби Қўшработда ҳам фуқаролар йиғинлари моддий-техника базисини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан фаолларимиз мамнун, улар иш самарадорлигини ошириш, халқ розилига эришиш борасида барча имкониятларини ишга солишга шай.

Маълумот учун, вилоятда ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади ва йил якунига қадар яна 30 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш, 2023 йил 1 июндан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда экология ва атроф-муҳитга аъсирни чеклаш бўйича қўйилаётган талаблар асосида «яшил сертификатлар» тизими жорий этилади.

2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўта оламизми?

ФАРҒОНА, ҚЎҚОН, САМАРҚАНД, МАРҒИЛОН ВА ҲАТТО ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЖАННАТ БОҒЛАРИ АЛОҲИДА ҚАРОРЛАР, БУЙРУҚЛАР БИЛАН ТАҚИР ЧЎЛГА АЙЛАНТИРИЛГАНИНИ БИЗНИНГ АВЛОД ЯХШИ ЭСЛАЙДИ

Дарахтларни роса кесдик. Беаёв кесишда давом этмоқдамиз. Бу борада газ, электр танқислиги боис оддий фуқаролар томонидан йиллар давомида кесиб чўлга айлантирилган тутзорлар, толзорлар, саксовулларни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, дарахт кесиш бир муддат давлат сиёсати даражасига ҳам чиқиб қолганини яхши эслаймиз.



Масалан, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Марғилон ва ҳатто Тошкент шаҳрининг жаннат боғлари алоҳида қарорлар, буйруқлар билан тақир чўлга айлантирилганини бизнинг авлод яхши эслайди.

Шукрки, кейинги йилларда йўл қўйилган хатоларни тўғри-лашга ирода топа олдик. Ҳар ҳолда, йўқ қилинган боғлар ўрнини қоплашга уриняпмиз. Баъзан буни удалаган жойларимиз ҳам бор. Айрим ҳолларда эса ташаббусларимиз зое кетган ҳам рост.

Айниқса, Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бу борада янги даврнинг дахлат сиёсати эканини аҳоли томонидан англианишига хизмат қилмоқда. Маҳаллий мансабдорлар ҳам илгаригидек очиқ-часига дарахтқушлик қилмай

қўйишган. Кесиш олдидан минг ўйлаб, минг яширинишга уринаётганлар ҳам талай.

Куни кеча Президент томонидан имзоланган «2030 йилгача Ўзбекистан Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор эса эришилган ютуқлар, аниқланган камчиликларга қарамай, юртимизни жаннатмакон боғларга айлантириш ғоясида собит эканимизни кўрсатади.

— Қарорга кўра, иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш кўзда тутилган, — дейди экология фаоли Сайда Эшмўминова. — Қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15

ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмининг 30 фоизга камайтириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш ҳам қарорнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Тўғриси, бу каби ҳаракатлар биз, экология фаоллари томонидан анчадан буён кутилаётган эди. Зеро, кескин чораларсиз вужудга келган вазиятни юмшашининг имкони мавжуд эмас.

Шунингдек, янги ҳужжат йилига 200 миллион туп кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан оши-

риш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтиришни ҳам назарда тутди. Республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш орқали экологик мувозанатга эришилади.

Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш, 2023 йил 1 июндан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда экология ва атроф-муҳитга аъсирни чеклаш бўйича қўйилаётган талаблар асосида «яшил сертификатлар» тизими жорий этилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб, барча иссиқхона газларини қамраб олувчи Иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) йўлга қўйилади. Янги қуриладиган,

қуввати 1 МВтдан юқори бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида ушбу станцияларнинг ўрнатилган қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими мажбурий тартибда жорий этилади. 2023 йил 1 майгача «Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Албатта, юқорида саналган вазифалар мамлакатимиз табиатини асраш, келажак авлодга яхши экошароитлар қолдириш ниятида амалга оширилади. Қарор ижроси эса ташаббусларни аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши ва маҳаллий раҳбарларнинг масъулиятига боғлиқ.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ЖАРАЁН

Ҳашар маблағлари мақсадли сарфланяпти

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари пайтида тўпланган маблағлар қаерга ва қандай сарфланиши кўпчилик учун қизиқ. Зеро, бу, асосан, корхона-ташкilotларда ишлайдиган фуқароларимизнинг бир кунлик ойлик иш ҳақлари ҳисобидан шаклланади. Албатта, бунда очиқлик, шаффофлик бўлиши лозим. Шу маънода, бўлимимиз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида мунтазам маълумотларни эълон қилиб боради.



Моддий ёрдамлар кимларга берилди?

Жорий йил 30 апрель куни «Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Келиб тушган хайрия маблағлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, пенсионерлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида уларни компьютер ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш каби мақсадларга йўналтирилди. Хусусан, маҳаллалардаги кам таъминланган ҳамда ижтимоий

ҳимояга муҳтож оилаларнинг 50 нафар фарзандларининг ёз мавсумида оромгоҳларда дам олишлари учун 80 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар, яққа ёлғиз қариялар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслардан тушган мурожаатларга асосан, 213 миллион 500 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги фуқароларнинг 15 нафарига «NAVBAHOR SHATGON»да соғлигини тиклаш учун 53 миллион сўм ажратилди.

Йиғин бинолари ҳам эътибордан четда эмас

Навоий шаҳридаги «Истиқлол», Хатирчи туманидаги «Хонақа», Кармана туманидаги «Зарафшон», Нурота туманидаги «Нуробод», Учқудуқ туманидаги «Ифтихор» ҳамда Навбаҳор

туманидаги «Совунгар», «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинларига жами 42 миллион сўмлик мебель жамланмалари олиб берилди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги 3 та, Зарафшон шаҳридаги 5 та, Ғозғон шаҳридаги 1 та, Кармана туманидаги 1 та, Хатирчи туманидаги 4 та, Нурота туманидаги 3 та, Конимех туманидаги 1 та, Учқудуқ туманидаги 6 та, Томди туманидаги 3 та ҳамда Навбаҳор туманидаги 7 та фуқаролар йиғинларига 34 та жами 150 млн. 400 минг сўмлик компьютер ва бошқа техника воситалари билан таъминланди. Бу каби тадбирлар тинимсиз давом этмоқда.

Э.ЭШҚУВВАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими шўъба мудири.

МУЛОҲАЗА

Нега одамлар фарзандининг ҳаётини арзимас нарсалар учун барбод қилишади? Ахир ҳаётнинг мазмуни қиммат сарпо-суруқлардан иборат эмас-ку? Эндигина оила қураётган ёшларнинг оила қурмасдан ажралишига мана шундай оддий нарсалар сабаб бўла оладими?

Тўйдаги харажатлар бахтга кафолат эмас!

НЕГА ОДАМЛАР ФАРЗАНДИНИНГ ҲАЁТИНИ АРЗИМАС НАРСАЛАР УЧУН БАРБОД ҚИЛИШАДИ? АХИР ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ ҚИММАТ САРПО-СУРУҚЛАРДАН ИБОРАТ ЭМАС-КУ? ЁШЛАРНИНГ ОИЛА ҚУРМАСДАН АЖРАЛИШИГА МАНА ШУНДАЙ ОДДИЙ НАРСАЛАР САБАБ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Халқимиз азалдан никоҳга жиддий қарайди. Ҳатто урф-одатларнинг икки-чиригача эътибор бериб, барчасини бажаришга ҳаракат қилишган. Келин тараф куёв томонга, куёв тараф эса келин томонга қиладиган сарпо-суруқлардан кўра, катта ҳаётга қадам қўяётган оиланинг мустақам бўлишига жиддий қарашган. Янгидан оила қураётганлар келин ёки куёв томонга бунча сарпо қиласан, фалон сўмлик мебель қиласан, деб шарт қўйишмаган. Ҳамма ўзида нима бўлса, нимага қурби етса, олиб келаверишган.



Бироқ бугун негадир тўй қиладиганлар бир-бирларига шарт қўйган, фалон сўмлик уни олиб келасан, мебель фалон давлатники бўлсин ва ҳоказо... Тўй қиладиган одамнинг улар қўяётган шартларга қурби етасини-йўқми, ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Қандай бўлмасин, айтганларимни қилиб келишади, дея туриб олишади. Аввал ўзлари қандай тўй қилишганини ҳаёлига ҳам келтиришмайди. Бечора ота-она фарзандининг бахти учун у ёқдан бу ёқдан қарз-ҳавола қилиб, қуда томон қарзидан сарпо-суруқ қилиб, тўйни ўтказишади. Аммо шу билан «деди-деди»лар йўқолса, майли-куя. Баъзи бир одамлар келин томон қилган нарсаларнинг арзон қиммат эканига ҳам қарашади ва арзимаган нарсалар учун ёшгина оилаларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлиб қолишмоқда.

Тунов куни бир танишим суҳбат

давомиди: «Куёв тараф тўй қилиш баҳонасида уйлари жиҳозлаб оляпти. Бўм-бўш хоналарни тўлдирим керак экан. Фотиҳага келишганда мебелларнинг қанақасини олишимни, иложи бўлса, ўзлари танлашларини айтишди. Бозорга бордик-куя, аммо улар танлаган мебелларга бир тўйнинг пули кетиб қолди. Ҳали парда билан гиламлари ҳам бор. Савил улгур улар ҳам фалон пул бўларкан. Уларга пулни қаердан топаман», — дейди. Танишимнинг бу гапларидан ялтир-юлтур тахталар, қимматбаҳо латта-путталар янги ҳаётга оstonасида турган ёшларнинг мустақам оила бўлиб кетишига арзиримкан, дея ўйлаб қолдим. Тўғриси-ям-да, нима кераги бор шунча дабдабани?

Ахир ота-боболаримиз ҳам қимматбаҳо мебелларсиз тўй қилиб оила қуришган-ку. Тўғри, буларнинг барчаси урф-одат,

унга амал қилиш керак. Узоқ вақтлардан буён шундай бўлиб келган биз ҳам амал қилишимиз лозим дерсиз. Хўп, менинг урф-одатларга заррача қаршилигим йўқ. Аммо ҳар нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яхши эмасми? Ҳамма ўзича бирор нарсани ўйлаб топиб, уни урф-одатга айлантириб қўйиши қанчалик ақлга сиғади? Ахир авваллари бундай нарсалар бўлмаган-ку. Кимнинг нимага қурби етса олиб келаверишган.

«Парда қилмаганим учун қизимнинг тўйи бузилди»

— Қуда томон, ҳали тўй қилишга шароитимиз йўқ дейишимиз қарамасдан ўзимиз ёрдам қиламиз, кўмаклашамиз дея тўйни тезлатишди, — дейди яна бир танишим **Мухлиса Ҳайитова**. — Қариндош-уруғлардан қарз олиб, тайёргарликни бошлаб юбордик. Ўзлари айтишган қиммат мебелларни қилдик. Аммо

навбат пардага келганда қўлим калталиқ қилиб қолди ва уларга: «Ёрдам қиламан дегандингиз, шу ўлгур пардани ярим пулини сиз берсангиз, қолган ярмини ўзим берардим», дейишимга қарамай, «Уни ўзингиз қилишингиз керак, биз ёрдам қилолмаймиз» дейишди. Қизимни ёлғиз ўзим катта қилганман. Қарз оладиган одамим ҳам қолмади. Тўғриси, бир ўзимга жуда оғирлик қилди. Шунча харажат қилиб, тўйга икки кун қолганда парда қилолганим учун тўйни тўхтатишди. Шунақа алам қилди. Битта латта матоҳ учун оила қуриш арафасида турган қизимнинг орзулари чилпарчин бўлди.

Нега одамлар фарзандининг ҳаётини арзимас нарсалар учун барбод қилишади? Ахир ҳаётнинг мазмуни қиммат сарпо-суруқлардан иборат эмас-ку? Эндигина оила қураётган ёшларнинг оила қурмасдан ажралишига

мана шундай оддий нарсалар сабаб бўла оладими? Қадимда момоларимиз сарпога икки дона кўрпачани олиб келиб тўй қилишган.

Келин томоннинг мебелга ёки бошқа буюмга қурби етмаслиги уларнинг бахтли, тотув ҳаёт кечиртишларига халақит берармикан? Шу буюмларни қилишга имкони бўлмаса ҳам оила қургандан сўнг иккаласи биргаликда ўз кучлари билан олишлари ҳам мумкин-ку. Назаримда, шундай қилишса, бир бирларига бўлган ишончи ошиб, оиланинг қадри қанчалик муҳимлигини чуқурроқ англашган бўларди. Арзимаган латта-путталар, мебел пардалардан кўра фарзандларимизнинг келажаги ҳақида қайғурсак яхшимасми? Ёки шу нарсалар оиланинг мустақамлигига кўмаклашадими?

Мансурбек ЖАББОРОВ, журналист.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор...

Термиз шаҳридаги Санъат саройи биносида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов раҳбарлигида оммавий сайёр қабул бўлиб ўтди. Мулоқотда 307 нафар фуқаронинг турли масалалардаги 376 та мурожаати тингланиб, уларнинг 64 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.



Хусусан, «Гулистон» маҳалласида яшовчи Гулчеҳра Файзуллаева вилоят ҳокимидан оиласига кўшимча даромад келтириш мақсадида тикув дастгоҳи ажратиб берилишида амалий ёрдам сўради. Вилоят раҳбари фуқаронинг ушбу мурожаатини қисқа муддатда ҳал этиш бўйича масъулларга кўрсатма берди. Сайёр қабулга оилавий шароити оғирлигини билдириб, даволаниш учун моддий ёрдам ажратишни сўраб келган «Жўй-жангал» маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Куллиева, «Меҳробод» маҳалласида яшовчи Муқаддас Қурбонова ва «А.Жомий» маҳалласида яшовчи Бегзод Тўраевларнинг мурожаатлари ҳам шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилиб, уларга моддий ёрдам маблағлари ажратиб берилди. «Боғзор» маҳалласида яшов-

чи Муҳаббат Бекмуродованинг ичимлик суви таъминоти масаласидаги мурожаати юзасидан масъулларга фуқаронинг уйига қувур тортиш бўйича топшириқ берилди. «Гулистон» маҳалласида яшовчи Парвина Азимованинг имконияти етишмаётгани сабабли соғлигини тиклаш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам вилоят ҳокими томонидан шу ернинг ўзи ҳал этилиб, ишсиз бўлган турмуш ўртоғини ишга жойлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

— Узим тадбиркорлик билан шуғуллансам-да, фарзандим ва келиним ногирон бўлгани сабабли қийналиб қолиб, вилоят ҳокимидан амалий ёрдам сўраб келган эдим, — дейди **термизлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи**

тадбиркор Хадича Жўраева. — Биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётган давлатимизга раҳмат, тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириш учун амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатим ҳокимимиз томонидан ҳал этилиб, менга қурилиш материаллари ажратиб берилдиган бўлди.

Вилоят раҳбари ижроси кўшимча ўрганиш, муддат ва маблағ талаб қиладиган 312 та мурожаатни масъулларга йўналтириб, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини, мурожаат билан келган фуқаро муаммоси ҳал этилиши умиди билан сайёр қабулга келганини асло унутмаган ҳолда ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашиш лозимлигини таъкидлади ва ижрога йўналтирилган мурожаатлар назоратда эканини билдирди.

НУҚТАИ НАЗАР

Ҳаж ёки умра ибодатини адо қилса-ю, унинг ҳақиқатини унутса, манманлик ва ҳўжакўрсинга, одамлар уни ҳожи ака дейишлари учун ёки давраларнинг тўрида ўтириш учун қилса, ундай киши риёкор бўлади. Бундай ибодатлар Аллоҳнинг даргоҳида қабул бўлмайди. Зеро, ибодатлар холис Аллоҳнинг розилиги учунгина қилинади.

Бизда дунёни «ўзига хос» тарзда хайратга солаётганлар кўп учрамоқда. Яъни айримларнинг бемаъни одатларга куч, вақт ва маблағ сарфлаётгани ачинарли. Масалан, яқинда бир юртдошимиз умрадан келишда ҳовлисида бўлаётган кутиб олиш тўйига кўчасининг бошидан гилам ёйдириб, ўзи туянинг устида савлат тўкиб кириб келди. Бундан ҳар ким ҳар хил хулоса ясади. Биров кулди, биров танқид қилди, аммо одамлар орасида унга эргашадиганлар, унданда ўзишга ҳаракат қилиб, бошқа бемаъниликларни қиладиганлар ҳам йўқ, дея олмаймиз. Негаки, шу яқин кунларда халқимизнинг умумий диний савияси «Умра тўйлари»да намоён бўлмоқда гўё. Умрадан келганини катта тўй қилиб нишонлаш урфга кирди.

Умрага борган одам мақтанмаслиги керак

БИРОВ КУЛДИ, БИРОВ ТАНҚИД ҚИЛДИ, АММО ОДАМЛАР ОРАСИДА УЛАРГА ЭРГАШАДИГАНЛАР, УНДАН-ДА ЎЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, БОШҚА БЕМАЪНИЛИКЛАРНИ БОШЛАМАЙДИГАНЛАР ҲАМ ЙЎҚ, ДЕЯ ОЛМАЙМИЗ

Очиги ибодати билан мақтаниш юртдошларимиз орасида аллақачон одатга айланди. Зиёрат пайтида тушилган расмлар, видеоларни тармоқларга жойлашади, ваҳоланки, умра қилаётган кишининг фикру зикри ибодат билан банд бўлиши керак эмасми? Мақтаниш учун яшайдиган, одамларнинг бир оғиз гапи учун жонимизни жабборга берадиган халқ бўлиб боряпмиз. Агар чиндан ихлосли бўлсак, бу ҳаракатлар қанчалик бемаъни эканини англаган бўлардик. Хўш, қачон бу муносабатларга чек қўямиз? Одамлар бу одатларнинг нотўғри эканини англаб етиши, эътиқодини тузатиши учун нима қилмоқ керак? Дин соҳаси вакиллари бу борада нима дейди?

ЖАННАТ КАФОЛАТИ НИМАДА?

— Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли ҳаж ва умра ибодатини амалга оширган юртдошларимизнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, — дейди **Тошкент шаҳар «Абу Хурайра» жоме масжиди имом-хатиби Муҳиддин Нўмонжонов**. — Албатта, бу мўмин-мусулмонлар учун катта имкон, улкан саодат. Макка ва Мадинани зиёрат қилиш, Расулulloҳнинг масжидларида намоз ўқиш кўпчиликнинг орзуси. Чунки ҳаж ва умра ибодати ислом дини арконларидан ҳамда ибодат турлари ичидан энг улугларидан, унга вағда қилинган савоблар ҳам беқиёсдир. Балки шунинг учундир борганлар яна боргиси келаверади, бормаганлар эса унга етишиши иштиёқда ёнади. Бироқ афсусланарли ҳолат шуки, Макка ва Мадина шаҳрига бориб, ҳаж ва умра ибодатларини қилиб, муқаддас маконларни кўриб келганларнинг баъзи бирларида манманлик, ички гурур, ҳаж ва умрага бормаганларга нисбатан кибр ва беписандлик каби иллатлар ҳам учраб турибди. Бунга уларнинг юртимизга қайтиб келганларида ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўйиб, ҳўжакўрсин учун ҳеч ким қилмаган ишларни қилиб, манманлик ва риёкорлик билан кутиб олаётган яқинлари ҳам сабабчи бўлиб қолишмоқда.

Аслида, ҳаж ёки умра ибодатини адо қилиб келган ҳожиларимизга жаннатнинг кафолати берилди, дегани эмас!

Ҳар қандай ибодат ва яхшиликнинг савобини кетказиб қўядиган иллат бор, бу — риёдор. Ибн Ҳажар Асқалоний: «Риё одамлар кўриб, эгасини мақташлари учун ибодатни изҳор қилишдир», деганлар. Имом Таҳонавий эса: «Риё яхшиликни бошқалар кўрсин учун қилишдир. Унда холис ният ва ихлос бўлмайди», деганлар. Демак, риё — бирор яхшилик ёки ибодатни Аллоҳнинг розилиги учун эмас, балки инсонларнинг мақтови учун қилишдир. Бу ҳаракатларни қилган инсон риёкор дейилади. Ҳозирда инсонлар энг кўп мубтало бўлган маънавий хасталиклардан бири айнан риёдор, десак муболаға эмас.

Риё инсонлар орасида руҳий таъсир, шон-шухрат, моддий фойда учун қилинади. Инсон моддий ва маънавий фойдаларни қўлга киритиш учун динга тааллуқли бўлган ибодатлар, хусусан, ҳаж ва умра ибодатлари воситасида одамларнинг хурмат ва эътиборини жалб қилиш, риёнинг энг ёмон шаклидир. Бундай ҳаракатлар ҳийлакорлик ва ёлгончиликдир. Зеро, риёнинг ҳаммаси ахлоқсизлик бўлгани каби, ибодатларда риёкор бўлиш энг катта ахлоқсизликдир.

ИБОДАТ ХОЛИС БЎЛСИН

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта сиз учун энг кўрқадиган нарсам, кичик ширк, яъни риёдор» деганлар. (Имом Термизий ривояти). Ибодат Аллоҳ учун қилинади. Аллоҳнинг розилигидан бошқа бир мақсад учун ибодат қилиш, Аллоҳнинг розилигини ўртадан олиб ташлайди. Аллоҳнинг буйругини ва розилигини ўйлаб эмас, диндор кўриниш учун ибодат қилиш, риёдан бошқа бир маънони ифода қилмайди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасининг 38-оятнда: **«Улар молларини кишилар кўриши учун сарфларлар. Ҳамда Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирмайдилар. Кимнинг яқини яқин ҳамроҳдир!»** деб, марҳамат қилади. Бу оятда Аллоҳ хуш кўрмайдиган фахрланувчи кимсаларнинг баъзи сифатлари зикр қилинмоқда.

ХУЛОСА

Дарҳақиқат, Аллоҳ розилиги учун қилинган ҳар қандай савобли амал кишининг ўзига, охирагигагина эмас, атрофдагилар учун ҳам хайрлидир. Юртдошларимиз орасида муқаддас ҳаж ибодати учун тўплаган маблағини бир бечоранинг эҳтиёжи, касалманднинг тузалиши, илми толибларнинг ўқиши йўлига сарфлаганлар бор. Бундайлар ҳақида эшитганда яйраб кетади киши. Аллоҳни таниган, ҳақиқий мўмин-мусулмон кишилар ана шулар десак арзийди. Қолаверса, умрага бориб келгач, кишининг ҳаёти ижобий томонга ўзгармас, қалби нопок хислатлардан, ўзи бемаъни хатти-ҳаракатлардан тийилиб гўзаллашмас экан, бу жуда ачинарлидир. Муаммо муқаддас динимиз ҳукмларига амал қилмасликда, унга муносиб яшай олмасликда эканини англашимиз керак.

Нозик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Улчами — АЗ, 4 босма табоқ. **7 825 нусхада чоп этилди.** Буюртма №: Г-1218 Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

